

Қобил Мирзо
“Шайтон фарёди”
3 – дафтар

Қотиллик саркардасининг ҳикояси

Саркор шайтон (саркарда) юқоридаги саркардаларнинг ҳикояларини бир-бир эшитар экан, бандалар гуноҳлари ҳаддан ошиб кетаётганлигидан, бунга шайтон эмас, уларнинг ўзлари сабабчилигидан тобора нафратланиб борар, муҳаббат томонидаги эзгулик тарафдорларига ҳам кинояли пичинг гаплар қилмай қўйгани, саркардаларнинг (одамлар) ёвуз одамлар қилмишларини кўпайтиришга гиж-гижлаб аралашаётганлигидан унчалик хурсанд бўлмаётганлигини, Бақакўзнинг мукофот бўҳчаси ҳам ҳалигача ечилмаётганлигини кузатиб пайқаб бораётган қотиллик саркардаси ўзининг ҳикоясини гўёки одамлар қилаётган азми гуноҳларда ўзининг аралашуви жуда камдек тарзда бошлади.

- Муҳтарам пушти паноҳим! Насроний, будпараст, мажусийлар ўртасида зинокорлик аллақачоноқ авжга чиқиб, ҳозирда улар учун одат тусига кириб, ҳеч кимни ҳайратга солмай, ажаблантирмай қўйди. Ҳар куни минглаб аёллардан бегона эркаклар қони аралашган беникоҳ болалар туғилмоқда. Натижада кўплаб ногирон фарзандлар туғилиб, улар яшаётган жойларда кучли сув тошқинлари, тўфонлар, ёнғинлар ва бошқа кўплаб офатлар келиб чиқиб, миллионлаб инсонларни ямлаб кетилишига сабаб бўлмоқда.

Худди шунингдек у ерларда фаҳш ишларга муккасидан кетиш юз бераётган бўлса, мусулмонлар ўртасида қотиллик амаллари йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Худкашлик, бир-бирларини отиб, сўйиб ўлдиришларидан ташқари белларига ажал балоларини боғлаб олиб, одамлар гавжум жойларда портлатиб юбориб, юзлаб бегуноҳ одамлар ва болаларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Ҳаттоки мусулмонлар пайғамбари бир бўлатуриб мажлисларда шиалар, суннийлар бир-бирларининг ўлиб кетишларига сабаб бўлмоқдалар.

Улар одам қиёфасидаги йиртқичларнинг “Аллоҳнинг йўлида биз айтган ишларни амалга оширсанг, шаҳид бўлиб, сўроқсиз тўғри жаннатга тушиб, абадий роҳатда яшайсан” деган алдовларига ишониб, Яратганга хуш келмайдиган ишларни амалга ошириб жаннатга эмас, дўзахга қувиляптилар. Оқибатда жаҳаннам соқчи-ходимларининг қўли-қўлига тегмай, дам олишга ҳам вақтлари қолмаётир. Гуноҳқор бандалар бағрига сиғмай кетаётганлигидан азоб чекаётган етти дўзахнинг ҳам нолиши, ўкириги кучайиб бормоқда.

Жаноби саркор, менинг бир нарсага ақлим етмаяпти. Яратгани танҳо, пайғамбари битта бўлатуриб мусулмонлар мазҳабларга бўлиниб олишиб бир-бирларига қарши курашадилар. Бир-бирларини чопадилар, ўлдирадилар.

Муҳаммад пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассаллам даврларида бундай ажралишлар йўқ эди-ку? Ахир Тангри таоло ўзининг каломи бўлмиш Қуръони шаънда “Эй бандаларим, ўзбошимчалик қилиб гуруҳ-гуруҳларга бўлинманглар!” деб огоҳлантирган-ку. Улар қилаётган номаъқул одатлар Аллоҳнинг ғазабини келтирмайдими. Бошқа ғайридинлар ўртасида исломнинг оёғига болта уриб, уни жароҳатламайдими. Гуноҳи кабира саналмиш қотиллик қилаётган бўлмайдиларми?

- Ўша сен тилга олаётган Қуръонда Худованди карим “Ҳидоятга киргизувчи ҳам ўзимиз, ҳидоятдан чиқарувчи ҳам ўзимиз. Аммо баланд билан пастни, ўнг билан чапни яратиб қўйдик ва вайси йўлни танлаш эҳтиёрини бандаларнинг ўзларига ташладик” деб марҳамат қилади. Лекин яна бир бошқа каломида бегуноҳ кишиларни ноҳақ ўлдирганларни ўзининг ғазоби кутиб турганлигидан хабар беради. Демак улар муқаррар равишда азобли жазога мустаҳиқ бўладилар, - деди муҳаббат гуруҳи ичида ўтирган адолат бош кўтариб, қотиллик саркардасига тик қарар экан.

Саркор шайтон қотиллик саркардаси томонидан ўзига берилган саволнинг жавобини илиб кетганлиги учун адолатга қараб бир ўқрайиб қўйдию, аммо ҳеч нарса демади ва қотиллик саркардасига “Давом эт” дегандек ишора қилди. Саркарда ҳикоясида давом этди... - Кейинги пайтларда одамлар яна ҳам катта гуноҳлар қилишга ўрганиб олдилар. Улар соғлом одамларни, болаларни ўғирлаб кетишиб, инсон ҳаётини сақлаб туришга муҳим хизмат қилувчи ички аъзоларни кесиб олишиб, катта пуллар эвазига бошқа касалланган кишиларга сотмоқдалар. Одам, эшак ва бошқа Тангри буюрмаган ҳайвонлар гўштидан таом таёрлашиб, сотиб, бойлик орттирмоқдалар. Ҳаттоки, айтишга ҳам қўрқаман. “Қонимиз янгиланиб, узоқ умр кўрар эканмиз” деб гўдак болаларнинг қонини ичаётганларни ҳам учратмоқдамиз. Одамлар бундай ваҳшийликларни қачон тўхтатадилар, барҳам берадилар? Бунга ақлим бовар қилмаяпти. “Дунёнинг баъзи бир адолатли подшоҳлари юқорида сен айтган ваҳшийликларга қарши жиддий курашмоқдалар. Уларга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин”, деб яна саркарданинг гапини кесди адолат. Бу сафар саркор шайтон унга индамади. Аксинча “бундай ёвузликлар давом этаверса, қиёмат яқинлашиб қолади-ку”, деб қўйди. “Тўғри айтасан, кўпчилик давлатлар бу зулмкор қотилликни йўқотишга қаттиқ уринаяптилару, баъзилари бу даҳшатли йўлдан юриб қўймоқдалар. Баъзи ботирлар чиқиб, у одамхўр аждаҳоларнинг бир калласини олса, иккинчиси унисини ҳам олса, учинчиси ўсиб чиқаверяпти. Илгарилари аёллар орасида қотиллар жуда кам, йўқ ҳисоби эди. Кейинги йилларда бизлар уларни гиж-гижлаб қотилликка даъват қилмасак ҳам, улар ўртасида қаттол қотиллари кўпайиб кетди. Сизларга бир воқеани айтиб берай” деб қотиллик саркардаси ўз ҳикоясини давом эттирди. Атрофда ўтирган барча шайтонлар бир-бир томоқ қириб олишди ва ўтиравериб

толиққан белларини қимирлатишиб, яна ўриндиқларга тузукроқ жойлашиб, саркарда оғзига кўзларини тикишиб, унга қулоқ тутдилар.

Саркор шайтон ҳам ўз тахтидан бир қадам олдинга тушиб, семизлиқдан ёғи тепчиб турган жунли қўлларини баланд-паст қилиб керишиб, тандир оғзидек тишсиз оғзини катта очиб шифтга эснади-да, тахтга қайтиб чиқиб, унга орқа ташлади. Бақакўз ҳам унга тақлид қилиб, калта-култа оёқ-қўлларини ликанглатиб, сакраб-сакраб ўз жойига ўтирди.

“Каллачиқди” деган бир қишлоқ бор, деб сўз бошлади қотиллик саркардаси. Унинг бундай деб номланишининг сабаби, у ерда жуда кўплаб қотиллик ҳодисалари юз бериб турганлиги учундир. У жойнинг одамлари бир-бирларидан ўрнат олишиб қотиллик касали кўпчилигига юқиб кетган. Одамлар арзимаган нарсаларни таллашиб, ёқалашиб бир-бирларини молдек сўйиб калласини олиб ташлайверишган. Ўша қишлоқдан ҳадеб одам каллалари топилавергани учун унинг номини “Каллачиқди” деб номлашган.

Ўша қишлоқда Хосиятхон исмли бир аёл оиласи билан яшар, туман шифохонасида беморларни даволаш унинг касби эди. У ҳам аксари осий ва ғофил бандалар каби бойликка, хойи-ҳашамлар, зеб-зийнатларга ўч, уларга қалбининг тўрисидаги эътиқод, имон ва виждонлар ўрнини бўшатиб берган эди. У ўз қаровига шифо истаб келган беморларнинг касали унчалик оғир бўлмаса-да, касали жуда оғир ва хавфли эканлигини айтиб, уларни қўрқитар, унинг яқин одамлари ким, қаерда ишлайди, нималар билан шуғулланишади ва ҳоказоларни ипидан игнасиғача суриштириб, бой ёки камбағал эканликларини аниқлаб олар ва беморга ўшанга қараб муомала қиларди. Давлат томонидан беморларга дори-дармонлар ажратилган бўлишига қарамай, касаллигига тўғри келмайдиган ўта қимматбаҳо дориларни топиб келишини айтар, агарда ўша дорилар бўлмаса бу касаллик уни ўлимга олиб боришини айтиб қўрқитарди. Беморлар топдириб келган дориларни ва ўша бемор учун ҳукумат ҳисобидан ажратилган дориларни ҳам қайриб қолиб ўзининг дорихонасидаги хамтовогога берар, у эса бошқа беморларга сотиб пулини ўртада бўлишиб олардилар. Ҳалиги беморга эса энг арзон нархдаги, касалига даво бўлмайдиган дориларни унинг кўзини шамғалат қилиб, алдаб ичириб юбораверар эди. Бечора беморлар унинг муолажаларига ишонгани учун оз-моз енгиллашиб дарддан халос бўлганга ўхшар, уйига боргач, яна бир-икки ой ўтмай дарди қўзғалар ва яна шифохонага келардилар. Хосиятхон эса бундан мамнун бўлиб эски одатини такрорлар, охир-оқибат беморнинг касаллиги тузалмай, вафот этарди. У кўплаб қимматбаҳо дориларга қурби етмайдиган баморларга ажратилган бепул дориларни ҳам уларга бермас, натижада уларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўларди. Бу нафс балосига таъзим қилувчи нобакор ўзининг манфур қилмишлари билан қотиллик қилаётган эди. Тангри таоло бирор бандасига яхшилик қилмоқчи бўлса унга обрў, амал, илм ёки ҳунар иқтидорлари инъом қилиб, бошқаларнинг эҳтиёжларини (ҳалиги) юқоридаги кишиларни зиммасига юклайди. Яъни, у буюк зот айтади: “Мана сенга амал, илм, ҳунар бердим. Бу неъматларимдан ўзинг ҳам баҳраманд бўл ва бошқаларни ҳам фойдалантир. Уни пок сақла. Адолатли бўл” деб уларнинг зиммасига жуда катта масъулият юклаб огоҳлантиради. Аллоҳнинг айтганидан адашмай ўша амал, илм, ҳунарларни қинғирлик йўлига бурмай хайрли, савобли ишларга сафарбар қилсалар, аввало, катта Қодир эгам, қолаверса, элу юрт олдида юксак эъзозу мартабаларга мушарраф бўлиб, икки дунё саодатига эришадилар. Аммо Хосиятхонга ўхшаб нафс кўйига кириб илму билими, амали воситасида ўзгаларга зулм-зуғум ўтказиб, молу-дунё тўплашга, ортиқча манманлигу кибрга, дабдабазликка ружу қўйсалар муқаррар, шак-шубҳасиз улкан жазоларга мустаҳиқ бўлиб, бедаво дардларга, оғир мусибатларга рўбарў бўладилар. Хосиятхон ўзи билмаган, аммо юрагида сезиб турган ҳолда ўша фалокатлар кўчасига кириб қолган эди. Бу қотиллик йўли билан келаётган жарақ-жарақ ақчалар унинг ва унинг оила аҳлининг корнига таом эмас, дўзахнинг “заққум” дарахти меваси бўлиб кирмоқда эди. Ўзининг қулоқ, бўйинлари, бармоқ ва билакларига олтиндек товланиб кўриниб, аслида заҳарли илондек тирмашаётгандек эди. Бир кун келиб бу илон уни чақиб ўлдириб, абадий ва беадад қийноқлар макони бўлмиш жаҳаннам қаърига итқитиб юборишини ўйламас, ўйлаб ўтиришни хаёлига ҳам келтирмас эди. Бизлар уни янада катта гуноҳлар қилишга даъват этмадик. Бунга ҳожат ҳам қолмаган, одамлар бизнинг гиж-гижловимизсиз ҳам ҳар қандай разилликларни қилаверишга одатланиб, уддабурон бўлиб кетган эдилар.

Хосиятхоннинг ёстиқдоши Валижон жамоа хўжалигида, одамлар трактор деб атайдиган омочга ўхшаб ер ҳайдайдиган темир от миниб меҳнат қилар, даромадни Хосиятхонга кўра анча кам топарди. У ярим кечаларда қора мойга беланиб келар, чала-чулпа ювинган бўлиб хотинининг кўйига кирарди. Қора мойнинг таъсирида қорайган юз-қўлларидан келаётган қўланса ҳид Хосиятхоннинг кўнглини беҳузур қилар, айниқса эрининг оғзидан чиқаётган ароқнинг бадбўй ҳидига чидай олмасди. Хосиятхон кундан-кунга эрининг аҳволидан жирканиб, меҳри совиб борар, иложи борица ундан нарироқ юришга, айро яшашга ҳаракат қиларди.

Кунларнинг бирида шифохона бош шифокори Хосиятхонни ўз ҳузурига чақириб, унга қадди-қомати келишган кўркам бир ёш йигитни таништириб, тиббиёт олийгоҳининг охириги босқичида ўқиётганини, бу ерга амалиёт ўтказиш учун юборилганлигини, ўзи узоқ вилоятдан эканлигини айтди ва бу йигитнинг амалиёт ўтказишида Хосиятхон тажрибали шифокор сифатида ёрдам беришини тайинлади. Йигитнинг барваста бўйи, қулиб турувчи қоп-қора кўзлари, қалин қоши, озгина дўнг, аммо чиройли пешонасини ҳузур билан ўпиб турган қалин ва силлиқ сочлари, қоматини ҳавас билан кучиб турган уст бошларининг ўзига ярашиб туришлари Хосиятхоннинг юрагига қандайдир унга ҳалигача ноъмалум бўлган сеҳрли туйғу юбориб, қалбини жижиллатиб ўтди. Бош шифокор амалиётчи Умарни қандайдир кўз илғамас, ақл бовар қилмас нозик ва нафис, аммо қудратли ришта билан Хосиятхонга боғлаб берган эди.

Хосиятхон уйга боргач, ўзини обдон кўзгуга солиб кўрди. Олдинги чиройи кўринмади... У бисотидаги борки бўёқлардан юз-кўзига суртди. Сочларини ёшлармонанд қилиб турмаклаб тартибга солди ва хушбўй мушканбардан бўйин, қулоқларига сепиб, энг янги либосларини кийди-да яна кўзгуга қаршисига келди. Ана энди Хосиятхон илгаригига қараганда икки карра жозибали кўринди. Ёш ҳамда жозибали кўзгудаги ҳурлиқо билан Хосиятхон бирга мамнун жилмайишди ва Умарни кўз олдига келтириб, унга “тузукманми?” дегандай сузилиб боқди. Унинг юраги алланималарни қўмсаб, ширин хаёлларга қўмилди. Аммо унинг кўнглини хижил қиладиган бир андишаси бор. У ҳам бўлса, Умар ундан ўн тўрт-ўн беш ёш кичик, ҳали уйланмаган, балким кўзи очилмаган бўйдоқ йигит, Хосиятхон эса ўн беш-ўн олти йил турмуш кўрган, эрли, фарзандли, ёши ҳам қирққа бориб қолган аёл. Шундай навқирон йигитни орзу қилиш нодонлик эмасмикин? Осмондаги ойга қўл узатиб, аҳмоқ бўлиб қолмасмикин? “Бўй етмаган нарсаса беҳуда қўл чўзма” деган гаплар ҳам бор-ку” деган хаёллар Хосиятхоннинг кечаю-кундузги ҳамроҳи бўлиб қолган эди. Умар ҳақиқатан ҳам покиза, очик кўнгли, хушсурат ва хушмуомала, ақлли йигит эди. Хосиятхон билан Умар тез орада бир-бирларига яқинлашиб, иноқлашиб олдилар. Ўртадаги сирли парда, бир-бирларидан тортиниш, айрим ҳаракатлар ва ҳазил-хузул сўзлардан андиша қилишлар кўтарилди.

Бунга Хосиятхон борки макр-маҳоратини ишга солиб, Умар олдида ҳар қандай ор-номусни, ҳаёибони нарига итариб ташлаб, ўзига йўл очиб борарди.

У уйидан хилма-хил тансиқ овқатлар тайёрлаб келиб, Умарни тушликка таклиф қилар, қўлларига сув қуйиб, оппоқ сочиқ тутар, уни турли мевалар билан сийлар ва орада ҳазил қилиб “уйланадиган йигитсиз. Кўп-кўп дармондори, мана бу мевалардан еб тайёргарлик кўриб туринг. Тагин, вақти келганда кучингиз етмай, келиндан хижолат бўлиб қолманг”, деб қўяр ва ора-сирада “Укажоним! Мунча соддасиз? Йигит киши дегани бунчалик гўл бўлмаслиги керак. Дадил бўлинг”, деб Умарни у ер-бу ерини чимчилаб кетар, шифокорлик сирларини ўргатиш баҳонасида уни доим ўзи билан бирга олиб юрар ва Умарга гўзал ҳамшира қизларни иложи борица яқинлаштирмасликка ҳаракат қиларди.

Хосиятхоннинг антиқа қилиқларидан, меҳрибонликларидан, эркалашларидан ва атрофида гирдикапалак бўлишларидан Умарнинг ҳам қалбида унга нисбатан ҳурмат ва меҳр ортиб борар, ундан тортиниш ҳислари йўқолиб борарди. Бир куни Умар билан Хосиятхон шифохонада тунги навбатчи бўлиб қолишди. Беморлар билан боғлиқ барча ишлар қилиб бўлинди. Даволанувчилар уйқуга кетишиб, ҳамма ёқни жимжитлик эгаллади. Хосиятхон Умарни ўз хонасига чақириб, тамадди қилиб олишларини айтди ва столга таом, мевалар ҳамда улар ёнига бир қизил рангли шиша ҳам қўйди. Умар қизиқиш билан Хосиятхонга маъноли қаради. “Нимага ҳайрон бўляпсиз! Умрингизда бундан, - у шишага кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб, - татиб кўрмаганмисиз?” деб ишва билан сўради. Умар ҳеч ҳам ичиб кўрмаганлигини айтди. “Маданиятдан орқада қолибсиз. Йигит киши бўла туриб хотинлардан ҳам кейин қолиб уларнинг чанги ичида йўқолиб қолманг яна! Мен бечора кўз ёшларимни тўкиб сизни излаб юрмайин. Бунинг роҳатида яйрамабсиз, дунёга келмасиз укажоним”, деб чиройли кўз ўйнатиш билан Умарга “агарда ичмасанг сен хотинчалиш бўлиб қоласан” демоқчи бўлди. Шишани унинг ўзи очиб пахта гулли пиёлаларга майдан қуйди ва Умарга узатди. Умар “аёл киши олдида эркаклик гурурини ерга уриш уят” деб хаёлдан ўтказди ва қадаҳни қўлига олди. “Иккаламизнинг қадрдонлигимиз абадий бўлсин ва орамизга қил сиғмасин” деб Хосиятхон Умарнинг қадаҳига ўз қадаҳини аста тегизди ҳамда заррача ҳам жирканмай майни ичиб юборди. Умар зўрма-зўраки ичди. Хосиятхон эпчиллик билан ликопчадаги газакдан олиб, унинг оғзига тутди. Қадаҳлар икки уч маротаба такрорланди. Биринчи қадаҳдаёқ боши айлана бошлаган Умар аёл кишининг олдида хижолатда қолмаслик учун бор иродасини ишлатиб ўзини тутишга ҳаракат қилди. У иккинчи, учинчи қадаҳларни ҳам орият сақламоқ учун қайтармади. Аммо, тез орада эс-хушини йўқотди ва алкаш-чалкаш гапира бошлади. Бир қизни яхши кўрганини, аммо унга юракдаги дардини айтолмагани, у қиз эса бошқа бировга турмушга чиқиб кетгани, ҳозирча уни эслаб юрак-бағри қуйиб юришини алжирай бошлади ва ҳўрсиниб-ҳўрсиниб йиғлашга тушди. Хосиятхон шуни кутиб турган эди, Умарнинг олдида ўтди ва унинг бошлари, елкаларини силаб, ширин суҳбат билан таскин бермоқчи бўлиб меҳрибонлик қилди. Аммо Хосиятхоннинг юраги ўз қафасидан чиқиб кетгудек типирчилай бошлади. “Қўйинг укажоним! Ҳали сизга шундай гўзал, ундан ҳам асал қизлар учрайдики уларни бағрингизга мана бундай босиб роҳат қиласиз”, деб Умарни кучоқлаб, кўкракларини Умарнинг бағрига босди ва унинг лабларига ўзининг чўғдек бўлиб турган лабларини тегизди. Умар тамомон довдираб қолди. У ҳам андиша жиловидан бўшаниб, Хосиятхоннинг хипча белидан қўлларини ўтказиб ўзига тортди... Улар ўртасидаги ҳаё ва номуснинг охириги пардаси ҳам йиртилди. Хиёнат аталмиш зулмкор у пардани бурда-бурда қилиб йиртиб жарликларга итқитиб ташлади. Умар, умрида илк бор бундай лаззатни тотиб, ҳаётнинг энг ширин мўъжизасига вужуд-вужуди билан берилиб қолди.

Хосият ва Умарни бош шифокор томонидан боғлаган ришта, эндиликда пўлат занжирга айланиб бир-бирларига чирмаб ташлаган эди. Умар, гўё бангилар кўкнорига хумор бўлгани каби Хосиятхонни бир кун кўрмаса, худди кашкулини ўғирлатиб қўйган девонадек гирён бўладиган, ҳеч бир гўшага сиғмай Хосиятхон қаерда бўлса, унинг атрофида айланаверадиган бўлиб қолди.

Хосиятхон бутун вужудидан куч ёғилиб турган меҳрибон, ширин муомалали йигитдан шу пайтгача ҳис қилмаган фароғатни топганлигидан ўзида йўқ бахтиёр эди. У бу кутилмаган, аммо бир умр орзу-роҳат қанотида учиб юрар, атрофидаги барча мавжудот унинг кўзига гўзал бўлиб кўринар ва ҳаётга унинг меҳрини ошириб юборган эди. Умар билан ҳар дамда, ҳар тунда бирга бўлишни юрак-юрагидан эзилиб, ўша онларни орзиқиб кутар эди.

Афсуски, шифохонада навбатчиликда қолиш беш-ўн кунга чўзилиб кетар, бу фурсат унга гўёки йиллардек туюлиб шаҳвоний ҳиссиётлар алангасида ёнарди.

“Хотин кишининг ҳийласи, қирқ эшакка юк бўлади”, деб машойихлар қадим замонларда айтганларидек, дея қотиллик саркардаси ўз ҳикоясини давом эттирди. Ҳозирги вақтларда уларнинг ҳийлаи найранглари ва маккорликларини қирқ эшакка эмас, қирқ туяга юклаганда ҳам яна шунча ортиб қолади. Хосиятхон кўп ўйланиб бош қотириб юқоридаги муаммоларни ечимини топди. Умар мамлакатнинг узоқ вилоятидан бўлганлиги сабабли, бу жойда меҳмонхонада ижара ҳисобига яшар эди. Унинг юртида қари ота-онасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Қашшоқ, қўли жуда юпқа эди. Хосиятхон Умарни ўз ҳовлисидаги бўш хонага олиб бориб қўйса-чи? Ана унда висол онлари нашидасини ҳар тунда суриш мумкин. Хосиятхоннинг эри ҳар куни ичмай уйга келмайди. Заҳри-махрига овқатни ейдию, таппа-ташлаб донг қотади. Унинг қулоғига карнай чалсанг ҳам, то кайфи пишмагунича кўз очмайди. Хосиятхоннинг калласига келган бу фикр режага айланди. Аввалига у Умарни уч-тўрт маротаба уйига меҳмонга таклиф қилиб, эри билан таништирди. Эрига Умарни яхши кўрсатиш учун Хосиятхон ўз ҳамёнидан сарф харажат қилиб, Умарнинг қўлига Валижон яхши кўрадиган қазӣ, ароқ ва бошқа газакбоп нарсаларни тутқазар, содда эр эса бундан мамнун бўлиб Умаржон, оқибатли, чапана улфат йигит эканлигини айтиб ташаккур ва тасаннолар билдирар эди. Кунларнинг бирида Хосиятхон эрининг кайфияти чоғлигидан фойдаланиб, Умаржондан гап очди. Унинг жуда камбағал эканлиги, унга ёрдам қиладиган ҳеч кими йўқлигини, қарзга ботиб туман марказидаги мусофирхонада туришлигини айтиб, “агарда сиз рози бўлсангиз, уни ҳовлидаги анави бўш хонага вақтинча олиб келиб қўйсак”, деди муғомбирона муқом қилиб эрига. Валижон ҳам кўп ўйлаб ўтирмай бу таклифга дарров рози бўла қолди. Хосиятхон ўз ниятига эришди. Ана энди унга Умар билан ҳар тунда айш-ишрат қилиш учун катта ва равон йўл очилди. У Умар билан кейинги ҳаётини роҳат-фароғатда ўтказа бошлади. Аммо Умарнинг амалиёт муддати тугаб борарди. Бундан Хосиятхон безовталанар, айрилиқ ташвиши унинг бошига минг-минг ғавғоларини соларди. Умар ўқишнинг қолган қисмини давом эттириш учун шаҳарга қайтиши керак. Хосиятхон бирор чора топиб Умарни ўз бағрида сақлаб қолиш йўллари тинмай ўйларди. У олийгоҳни яна олти ойда битирар эди. Бунча узоқ муддат айрилигига Хосиятхон чидолмайди. Энг ёмони шундаки, энди Умарнинг “кўзи очилиб” қолди. Бу вақт ичида у бирор ёш, бокира, чиройли қизларга илакишиб қолиши мумкин. У ҳолда Хосиятхоннинг аҳволига маймунлар йиғлайди ва илонлар пўст ташлайди. Унинг учун бу дунёнинг роҳати тугаб азоби қолади, деб ваҳима гирдобиди боши айланарди. Ниҳоят у бир қарорда тўхтади. “Ҳар қанча пул кетса кетсин унга топиб бераман. Бу ноёб, сеvimли тойчоқни қўлдан чиқаргандан кўра, ўлганим яхши. У шу ерда яшайвериб шаҳарга қатнаб ўқийди. Йўл кира, тушлик ва бошқа барча харажатларига ўзим пул бериб тураман. Олти ой ўтади, кетади. У ўқишни тамом қилгач, мен бош шифокор билан гаплашиб, мана шу шифохонага ишга жойлаштириб қўяман”, деган ўйини калласида пишириб Умарнинг қўйнига кириш олдидан унга ёрилди. Хосиятхоннинг “ўлган ҳиссиёт хужайраларини ҳам тирилтириб юборувчи қилиқларига чанқаб, ўртаниб турган Умар ўйлаб ҳам ўтирмай “Сиз нима десангиз шунга розиман, асалим” деб юборди.

Узоқ юртда уни бир неча йилдан буён йўллари нигорон кўз тикиб, не-не ширин орзу умидлар билан кутаётган бояқиш кекса ота-онасини ҳаёлига келтирмади. Хосиятхоннинг “гарткам” деб отган ошиғи яна олчи турган эди. У Чўлпон юлдузи ҳали осмондан ғойиб бўлмай туриб, хўрошларнинг биринчи чақириғидаёқ Умарнинг қучоғидан мамнун суғурилиб чиқиб, ҳорғин, аммо жаннат ғулومлари янглиғ хушрўй, беозор ухлаб ётган ошиғининг юзу-яноқларидан тўйиб-тўйиб ўпди-да, оёқ учиди шарпасиз келиб мажбурий хоҳиш билан Валининг қўйнига кирди. Эри чала уйку аралаш “қаерда эдинг” деб ғудурлади.

“Таҳоратга чиққан эдим”, дедию аммо, сезиб қолдимикан-а деган қўрқув турткисидан сесканиб, Хосиятхоннинг юраги бир ҳовлиқиб олди. Валижон “ҳм” деди-да унга орқа ўгириб яна пинакка кетгач хотиржамлик ўз ёпинчигини ташлади...

Умар ўқишни битириб Хосият ёрдамида ўша шифохонага ишга жойлашди. Умар билан Хосиятхоннинг фарахбахш, тотли кунлари роҳатда ўтаётган эди. Бироқ кунларнинг бирида Валижон унга “Ярим кечада Умарнинг хужрасида нима қиляётган эдинг?” деб сўради таҳдид билан. Хосиятхоннинг бутун танасига найза санчилиб, қўрқув югурди. Мияси қизиб, юраги бўғзида бесаранжом типирчилаб бошлади. Аммо, у бу маъшум савол бўлиб қолишини ва унга ҳар эҳтимолга қарши ўзини тайёрлаб борарди. Шунинг учун у ўзини тезда қўлга олди ва муғомбирлик билан “ёш боланинг уйида нима ҳам қилардим. Кеча шамоллаб, иситмага қуйиб-ёниб келган эди. Шунинг учун ундан бирров хабар олгач, тунги дорисини бериб чиқдим”, деди сунъий норози оҳангда. Валижон иккиланиб шаштидан тушгандай бўлди. Лекин унинг юрагига шубҳа ва рашкчаёнлари кириб олганди. Улар Валижоннинг қалбига ин қўя бошладилар ва тумонотга айланиб уни чақа бошладилар. Хосият тез-тез Валижоннинг тўшагидан сездирмай чиқиб, зим-зиё бўлиб чиқиши, Умарнинг ётоғидан ярим тунда чиқиб келишига бир-икки маротаба кўзи тушиб қолгач, эрнинг шубҳаси ортди. Ҳалиги чаёнлар уни аёвсиз чақишиб, рашку-ғазабини жунбушга келтирди. “Умарни йўқот! Жойини топсин, бўлмаса, ўзим унинг кетига тепиб, онасининг учқўрғонини кўрсатиб юбораман”, деди ғазаб билан Хосиятхонга.

Умардан айрилиш Хосиятхон учун жондан айрилиш билан баробар эди. У яна бош қотириб қандай йўл билан бўлмасин уни сақлаб қолишни ўйлаб бошлади. Эри, аниқ бўлмаса ҳам, анча-мунча сезиб қолганга ўхшайди. У бу вазоҳати билан ўлса ҳам кўнмайди. Хосиятхон шундай чора кўриши керакки, Умар умрбод уники бўлиб қолсин. Хосиятхон тўсатдан калласига келган фикрдан чўчиб кетди. Яна ва яна осон,

силлиқроқ йўл қидирди. Аммо, қанча бош қотирмасин, хаёлига келган фикрдан ўзга чора тополмади. Ниҳоят у, ё ҳаёт, ё мамот деб таваккал қилишга қарор қилди.

У мулойимлк билан эрига “Хўп, Умаржонга ўзим ётиғи билан тушунтираман. Бир ҳафта ичида бошқа жой топиб чиқиб кетишини айтаман. Бугуннинг ўзидаёқ у бечорани ҳайдаб чиқарсак, қаерга боради? Ундан ташқари у боламиздек бўлиб қолган бўлса. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Тагин ёмон оғизлар “буларнинг қизи билан бир бало қилибди шекиллигу, Умарни ҳайдаб чиқариб, айбини дим-дим қилишмоқчи бўлаётгандир” деган миш-миш тарқатиб, пардада турган кўзимизнинг оқу қароси, биттаю-битта фарзандимиз Офийатнинг шаънига доғ тушиб қолмасмикин?” деб муғомбирлик билан Валижонни кўрқитди. Ёлғиз жигарбандининг шаънига доғ тушиб қолишидан чўчиган Валижон, хотинининг макрига илинди. Аммо, тезроқ йўқот, деб гапни чўрт кесди. Учинчи кунни Валижон ароқ ичиб оёқда туролмайдиган аҳволда уйга кириб келади. Хосиятхон шу фурсатни кутган эди. У эрини яхши гаплар билан алдаб-сулдаб уйга олиб кириб ётқизди. Валижон одатига кўра Хосиятга яхна чой келтиришини буюрди. Хосиятхон уч-тўрт соатда таъсир қилувчи оғуни пиёла тўла яхнага аралаштириб эрига тутди. Валижон эрталаб қайтиб ўрнидан турмади.

Ҳикоя шу жойга келганда саркор шайтон “урғочи қашқир!” деб юборди ғазаб билан.

- Заҳарли кобра, анаконда, деяверинг саркорим, - деди Бақакўз ҳам аччиқланиб. Қотиллик саркардаси саркорнинг ғазабланганлигидан чўчиб дарҳол “Мухтарам валинеъмат! Бу қотилликда ва бошқаларида ҳам, ҳали мен айтганимдек бизларнинг заррача хизматимиз йўқ. Биз фақат уларни кузатяпмиз холос”, деди хавотир ичида.

- Хўп! Қани, у ёғи нима бўлди? Шуни сўзла, - деб буюрди саркор шайтон анча ҳовуридан тушиб.

- Хосиятхон сувдан қуруқ чиқди, - дея ўз ҳикоясини давом эттирди қотиллик саркардаси. - У одамларга эри ғирт маст келиб ухлаб қолгани, эрталаб уйғонавермаганидан кейин уни туртиб уйғотмоқчи бўлса, аллақачон танаси совиб, жисми тарашадек қотиб қолганини сохта йиғи ичида айтди ва кўп ичиб юборгани учун юраги кўтаролмай жони узилганини, бу хулосани тез ёрдамдан келган таниш шифокорлар тасдиқлашганини сўзлаб йиғлади. У маккора қотилнинг ёлгон гапларига ҳамма ишонди-қўйди. Шу билан унинг қилган ёвузлиги тубсиз қудуққа тушгандек чўкиб йўқолди.

Умар эса ўша ҳужрада қолиб Хосиятхон билан бирга айшу-ишратларини бир маромда давом эттиравердилар. Орадан яна бир йилгача вақт ўтди. Бу давр ичида Хосиятхон ўзининг шифохонадаги барча қинғир ишларини Умарга ҳам ўргатди. Умар унинг кутган ваҳший йўлидан бориб, кўплаб бегуноҳ бандаларнинг ўлимига сабаб бўла бошлади. Оқибатда қотилликдан келаётган жарақ-жарақ ақчалар унинг киссасига сиғмай қолди. У энди маишатнинг янаям ширинроғини, хилма-хилини кўмсай бошлади. Унинг кўзига ундан ўн тўрт ёш катта Хосиятхон қаримсиқ кампирдек кўрина бошлади. Хосиятхоннинг сунъий нозу-фироғи, ишваю карашмалари, юзларига, кўзларига чаплаган бўёқларнинг қўланса ҳидлари унинг жонига теккан эди. Шунинг учун у Хосиятхондан иложи борица нарироқ юришга, камроқ муомалада бўлишга ҳаракат қилар, мабодо, тўшақда бирга бўлиб қолган чоғларида ҳам, аввалги рағбатини қилмас ва тескари қараб ётарди. Бу ҳолатни сеза бошлаган Хосиятхон ташвишга тушиб қолган эди. Умар эндиликда Хосиятхоннинг қизи Офийатга кўз олайтира бошлаган эди. Чунки, у қиз эндигина ўн етти ёшга тўлиб “очиламан” деб турган атиргул ғунчасидек жозибали, ширмой кулчадек юзларининг ўнг томонидаги, ҳар қандай манаман деган ғурурли йигитни ҳам ўз гирдоби комига тортишга тайёр кулдиргичи, ёнаман, дея йигитларнинг бағрига тутантириқ ташлаб аланга олдириб юбуровчи чақмоқ кўзлари, рашқдан лола ёрагини қон қилувчи ёноғу дудоқлари Умарни ўзига оҳанрабодек торта бошлаган эди.

Умарнинг Офийатга интилишига яна бир сабаб шу эдики, унинг талабалик йилларида кўксига тоабат тузалмас яра инъом этиб кетган қизнинг исми ҳам Офийат эди. Хосиятхон Умарнинг олдида қизининг номини биринчи бор айтиб чақиргандаёқ, унинг юраги шув этиб, кўксидаги ярасини шилиб-қонатиб ўтган эди. Умаржон ўғринча Офийатнинг бошидан оёғигача разм солиб, ундан ўз Офийатининг ёқимли фазилятларини қидирган, аммо, истаган нарсасини топа олмаган эди. Умарнинг кўнгил қўйган маҳбубаси “Офийат” эмас жон офати ва юрак кушандаси эди. Умар Хосиятхон билан дастлабки ишқий алоқа бошлаган пайтларида, у бевафо қиз унинг кўз ўнгидан бироз нари кетгандай, хаёлидан фаромуш бўлгандек туюлдию, бироқ, ойлар ўтиб Хосиятхон меъдасига тега бошлагач, яна ўша золим париваш унинг қалбига қайтиб кириб зулмини бошлаган эди. Аммо унинг ўтида куявергандан не фойда. У энди алдамчи сароб-ку, бекордан ўзини парвонадек шамга уриб охири ҳалок бўлади-ку деб ўйлар ва ўз юрагига қўл солиб, ўша куйдурмажонни ушлаб, суғуриб олиб ташлаш чорасини қидирарди.

Кейинги ўтган икки йил ичида Офийат тоза етилиб суқсурдай бўлиб қолди. Суқинг кирадиган дўмбоқчага айланди. Энди Умар шундоққина қўлини чўзса етадиган нақшин гулдек очилиб турган, ҳалигача биров тегмаган, ҳидланмаган ҳандалакка етишиш чорасини қидира бошлади. Ота-онаси ўз олдиларига чақириваётганини, улар ўша ерлик бир қариндошларининг қизига Умарни уйлантирмоқчи эканликларини Хосиятхонга айтди. Табиийки Хосиятхон бунга тиш-тирноғи билан қарши. Буни Умар жуда яхши ҳис қиларди. Хосиятхон Умарнинг гапини эшитиб ранги бир оқариб олдию, аммо бирор фикр билдирмади. Индамай қўяқолди. Ва лекин у шу ондан бошлаб бу қутилмаган нохуш хабар оғриғида эзилиб, ич-ичини кемира бошлади ва Умарни қўлдан чиқармаслик чораларини яна қидириб, бош қотирди. Орадан бир ҳафталар ўтказиб, Умарга ўз қизи Офийатни никоҳлаб беришини, аммо ўзини эсдан чиқармаслик шартини айтди.

Умарнинг кутган муддаоси ўз ечимини топадиган бўлди. Умар ўз юртига бориб чол билан кампирни олиб келди. Уларга Хосиятхоннинг хушмуомилалиги, меҳмондўстлиги ва келин бўлмишнинг хушрўйлиги, ахлоқ-одоби уларга ёқиб қолди.

Хосиятхон чол-кампирнинг кўнглини олиш учун борки маҳорат, санъатини ишлатди. Тўкин дастурхонлар солди. Улар атрофида парвона-гиргиттон бўлди. Гап орасида у Офиятдан бошқа фарзанди йўқлигини, шунинг учун топган бутун молу-мулки ҳовли-жойи ўшанга қолишини, Умаржонни эса, куёв эмас, ўғил бўлишини айтиб, содда ва покиза, ишонувчан чол-кампирларнинг қалбига кириб, ишончини қозонди, ҳамда “хоҳласаларингиз, сизлар шу ерга кўчиб келаверасизлар, ҳовли кенг, уйлар сероб, мабодо маъқул келмаса, биз ҳаммамиз ўша ёққа бориб сизлар билан бирга яшайверамиз”, деб илондек авради.

Чолга Хосиятхоннинг гапи маъқул келиб дуога қўл очди ва куёв-келинга бахт тилаб уларнинг тўйларига розилик берди. Тўй ўтганига уч ой бўлди ҳамки Умар Хосиятхон ётоғи қадам изи қилмади. У ўз ваъдасида турмади. Офиятнинг тўшагидан бўшамади... Хосиятхон билан эса қуруқ салом-алиқдан нарига ўтмади. Ҳовлида ёлғиз тўқнаш бўлиб келиб қолган чоғларида ҳам, орада ҳеч нарса бўлиб ўтмагандек бепарво, тезда ўзини ундан олиб қочиб, Офият олдига кириб кетадиган бўлиб қолди. Бундан Хосиятхоннинг умидвор юраги ачишиб фиғони фалакка кўтариларди. Кундан-кунга бу оғриқ кучая борар, рашк балолари туғён кўтаришиб, ҳатто кечалари унга ором бермас, жонини аёвсиз эғовлашарди. Бу азобларга чидай олмай у баъзан ярим тунлари “жоним жиндек ором олармикин”, деб Офиятлар ётоқхонасининг деразаси тагига писиб келиб, ичкарига қулоқ солар, улар ҳалигача ухламай ширин-ширин гаплашиб ётишганини эшитиб, ором олиш ўрнига тутаб турган жонига аланга улашар, айниқса, Умар Офиятни эркалатиб, ундан бўсалар олган пайтларда, Хосиятхоннинг бағри кабобдек бозиллаб ачишиб, ўзини қўйгани жой, бу бешифо дардга малҳам тополмай қоларди. Унинг кўзига қизи Офият ҳам жуда ёмон кўрина бошлади. Хосиятхон рашк алаmidан ўз қизига кундошга қарагандай нафрат билан қарарди. Арзимаган нарсалар билан камчилик, қийиқ топиб унга зулм ўтказар, қизининг камчиликларини, ақлсиз, ношуд эканлигини баланд овозда Умарга эшиттириб уни ерга урарди. Иложи бўлса ўз қизини ғажиб ташлашга тайёр эди.

У бир куни шифохонада Умарни ёлғиз топиб “нега шу вақтгача мендан бирор марта ҳам хабар олмаяпсиз?” деди гина аралаш. Умар муғомбирлик билан “қандай қилиб хабар оламан? Уйда ҳам бу жойда ҳам иложи йўқ-ку? Қизингиз жуда сезгир. Бу ерда эса илгаригидек навбатчилигимиз бирга эмас” деди. Умарнинг жавоби Хосиятхоннинг миясига аламли мушт бўлиб зарба туширди. У Умарни тутиб қоламан деган қопқонга ўзи тушиб қолган эди. У ўша беаёв қопқон чангалидан кутулиш ниятида яна олти ой типирчилади. Бир қанча азоб-уқубатли, уйқусиз тунларни дераза биқинида ўтказди, яна қанча беором кунларни айрилиқ дарди балоларининг юрагига санчаётган саноксиз найзалари оғриғи остида ўтказди. У ўзини бу балолардан халос этишга ҳарчанд тиришмасин, уларни миясидан ҳайдаб чиқаролмади. Аксинча рашк қийноғининг дарди кучая борди. Қарасаки, энди бу дард уни ё ақлдан оздиради ёки бўлмаса қоронғи қабрга тикади.

Умар Хосиятхоннинг, аввало, юрагини кейин танҳо қизини, сўнг бутун молу дунёсини тортиб олди. Эвазига эса, унга ҳеч вақо қолдирмай фақатгина азоб, қийноқ исканжасига ташлади. “Чучварани хом санабсан тўнғиз. Хосият сен ўйлаганчалик анюйи гўл эмас. Уни алдаб азобга солиб, сен роҳатда яшай олмайсан. Сен бу хонадондан тирик чиқмай, изсиз гумдон бўлишинг керак”, деб Хосиятхон ҳам иккала панжаларини мушт қилиб тишларини ғижирлатиб, қатъий бир қарорга келди. Оғироёқ бўлиб қолган қизи Офиятни вақти келиб туғруқхонага олиб кетишди. Умар холи қолди. Хосиятнинг қониди ҳирс туйғулари рақс туша бошлади. У обдон ювиниб-таранди, пардоз-андоз қилиб ўзига оро берди ва охирги умид илинжида Умар ётган хонага кирди. Умар унга рўйхушлик бермаса ҳам, унинг устига ўзини ташлади. Гупиллаб уриб, лопиллаб ёниб-куйиб турган юрагини унинг кўксига босди ва юзу лабларидан ютоқиб, ҳансираб ўпа кетди. Умар олдинига тек турди. Кейин Хосиятни ўзидан нари итариб юбориб, “уятмайсизми” дедию ҳовлига чопиб чиқиб кетди. Шу ҳаракат билан у Хосиятхоннинг сўнгги умидини ҳам жарликларга итқитиб кетди.

Хўрланган, эскириб, тешилиб чириб қолган пақирдек ахлатхонага ташлаб юборилган Хосиятхон алаmidан тишларини ғижирлатди ва юрак-юракдан ҳўнграк отиб йиғлаб юборди. Бироздан сўнг ўзини тутиб олиб “хап сеними” дедию, ғазаб билан кўзлари ёниб хонадан чиқди... Кейинги кечаси Умар ётган уй олдига шарпасиз келди. Хонани иситиш учун ўтказилган қувурнинг ташқари томонидаги мурватини очиб одамлар “газ” деб атаувчи ер остидан чиқадиган заҳарли тутун йўлини очди.

Уч тўрт соатлардан сўнг бекитиб қўйман деган фикрда ўз хонасига кириб бедор ётди. Қаттиқ уйқуда ётган Умарнинг кўнгли беҳузур бўлиб димоғи ачишишидан уйғониб кетди. Ўрнидан аранг туриб ўтирди. Боши гир-гир айланар, аъзои баданида ҳолсизлик сезиларди. У базўр ўрнидан туриб, зулмат ичида тимирскиланиб чироқ тугмасини босди. Қаттиқ гўмбурлаш даҳшатидан бутун маҳалла ларзага келди. Одамлар қўрқувдан кўзлари косасидан чиққудек бўлиб кўчаларга тўлиб кетдилар. Бу пайт Хосиятхоннинг уйларини қип-қизил ажал алангаси тилларини чўзиб, пишқириб ўз комига тортиб ямлар эди. Портлаш зарбаси уйнинг томини осмони фалакка кўтариб уни Умарнинг жони чиқишини пойлаб ётган Хосиятхоннинг устидаги томга олиб келиб ташлади. Тўрт томондаги деворларни эса 30-40 газли масофага сочиб ташлади. Хосиятхоннинг уйларидан қолган ёғочлар буруқсаб атрофга аччиқ тутун тарқатиб турди. Маҳалла аҳли ёниб тамом бўлган уйларнинг куллари ичидан Хосиятхон ва Умарнинг жасадларини қидирдилар. Аммо, улардан бирор нишона топа олмадилар. Улар ҳам ёниб кулга айланган эдилар”, деб қотиллик саркардаси ҳикоясини яқунлади.

“Ёсуман, ялмоғиз... бу касофатнинг касали вабодан ҳам хатарли. Вабога малҳам бор, аммо Хосиятнинг хосиятсиз ўлим ажалининг олдини олинмаса, у тез орада бутун дунёни қоплаб олиб заминни ҳам кулга айлантириши аниқ. Бундай хатарли дардни инсонлар қалбидан қувиб чиқариш учун алломалар унга шифо бўладиган дори ихтиро қилишлари шарт. Бунинг олдини олиб инсонлар қалбидан қотиллик, бахиллик, ҳасад, нафс балоси, молу-дунёга, мансабга ўчлик, ғараз каби ярамас иллатларни қувиб чиқармаса ёки уни заиф ва қудратсиз ҳолатга туширмасалар, бу иллатлар бирлашиб жуда катта ва қудратли кучга айланиб бутун дунёнинг кулини кўкка совуради. Бу иллатларни йўқотадиган дорини топса бўлади. Буни топишга бандаларнинг ақл тафаккури етиши керак, чунки Аллоҳ томонидан ҳаётий дунёнинг сирлари водийсига яшириб қўйилган ва уни топиш учун инсонга ҳаттоки бизларга ҳам берилмаган буюк неъмат – ақл, тафаккур ҳам илмни бериб қўйган. Афсуски, одамлар бу неъматдан эзгулик йўлида фойдаланиш ўрнига илм калити билан ёвузликка йўл очиб бермоқдалар. Амал, бойлик, обрў талашиш билан овора бўлишиб, ақл фаросати етган-етмаган ҳолда дунёни, яъни ўзлари яшаб турган ҳовлини ҳалокатга тобора яқинлаштирмоқда. Ўзларига ўзлари қабр қазимоқдалар. Бу фожиали йўлдан қайтишни истамаганлар баттар бўлсин ва уларга минг бор лаънатлар”, деб саркор шайтон жаҳл билан тахтнинг чиганоқ қўйғичига урди.

Муҳаббат бошчилигидаги садоқат, вафо, диёнат, имон, виждон ва меҳр-оқибатлар “дўзахнинг қаърига тушсинлар! Аллоҳнинг ғазабига учрасинлар” деб қарғашди. “Яна гапинг борми?” дегандай саркор шайтон қотиллик саркардасига назар ташлади.

- Муҳтарам давлатпаноҳ! Олам яратилганидан буён кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва лекин биз гувоҳи бўлган яна бир аянчли воқеани сўзлаб берсам. “Бошла”, дея бош ирғади саркор шайтон.

“Бу фожианинг юз берганига ҳали кўп бўлгани йўқ”, деб ўз ҳикоясини бошлади қотиллик саркардаси. Ўн саккиз минг оламнинг заминдан жуда узоқда бўлган қайсидир пучмоғида Осотур деган юлдуз бор. Бу юлдуз ҳар қирқ минг йилда ерга яқин келиб бир маротаба кўринадию, яна само қаърига сингиб кетади. Мен ўша юлдузни ер юзида туриб қирқ минг маротаба кўрганман. Бу давр ичида ҳозирги бандалар яшаб турган ер ҳам бир неча маротаба ёниб кул бўлиб яна жойига келди. Лак-лак бандалар кайта-кайта яратилиб, яшаб ўтдилар. Аммо, ҳозир мен айтиб бермоқчи бўлган қотилликни ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган экан. Жумладан биз ҳам ҳозиргача бу бўлиб ўтган қотилликка ўхшаш фалокатни илгари кўрмаган эдик. Мен неча миллион йиллик хотира дафтарини бирма-бир варақлаб чиқдим, лекин бундай мудҳиш ваҳшийлик бўлиб ўтган кунни тополмадим.

Ленин деган бир муртаднинг мақсад ғоялари дунёнинг ярмида амалда бўлиб, одамлар қалбидан дину имонни, шарму-ҳаёни мисоли қудратли тўфон каби одамлар қалбидан ювиб юбораётган пайтлар эди.

Қорасув аталмиш дарё бўйидаги бир даҳада Собиржон исмли киши хотини ва беш фарзанди билан тинч тотув яшарди. У “ўтарава” – одамлар уни юк мошин деб аташади; Ҳайдар яна деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб ҳалол меҳнат билан оиласини бекаму-кўст тебратар эди.

Куз кунларининг бирида эрта баҳордан то мезонгача бола-чақаси билан бирга ором билмай, даладан бери келмай, сув кечиб, лой кечиб, жазирама офтоб алангасида куйиб-ёниб, не-не орзу-умидлар билан етиштирган ҳосили бўлмиш бир мошин пиёзни олиб Собиржон 14 яшар Садиржон билан тузукроқ пулга сотиш учун катта шаҳарга қараб йўл олдилар. Бозор дарвозасига етар-етмас жойда уларни бир ўттиз ёшлардаги йигит тўхтатди. Собиржон машинадан пастга тушибоқ уни таниди. У бундан уч йил аввал фирибгарлик билан қўлга тушиб қамалиб кетган маҳалладоши Эргаш эди. Эргаш ҳам Собиржонни таниб, у билан кучоқ очиб келиб эски қадрдонлардек қуюқ кўришди. Узоқ ҳол-аҳвол сўради, сўнг Собиржонни четроққа олиб ўтиб, машинадаги пиёз ўзиникими ёки бегона бировга қарашлими – шуни суриштирди. Собиржон ўзининг ҳалол меҳнати билан етиштирган ҳосилини сотиш учун олиб келганини айтди. “Жуда яхши, жуда маъқул. Мен мана шу бозорда олди-сотди билан шуғулланаман. Юкни чиройли, сиз хурсанд бўладиган қилиб пуллаб бераман”, деди очиқ кўнгиллик билан Эргаш ва мошин тепасига чиқиб пиёз ичини қўли билан ковлаб кўрди ва бир-икки донасини олиб, “чакки эмас, бўлади. Мен ҳозир харидор олиб чиқаман. Баландроқ баҳо айтиб туроверасиз, пасайтирманг, маҳкам бўласиз. Хўп, сизлар шу ерда туриб туринглар” деб Эргаш чаққон югуриб бозор ичига кириб ғойиб бўлди. Бир оздан кейин ўзидан каттароқ, башанг кийимли икки кишини етаклаб чиқди. Улар ҳам мошинга бўйлашиб пиёзнинг яхши-ёмонлигини кўрган бўлдилар ва молнинг савдосини пишира бошладилар. Эргаш Собиржон томон бўлиб баҳо талашди. Ниҳоят юк яхшигина пулга келишилди. Ҳалиги йигитлардан бири “энди акам жоним бошқа мошин қилдириб юрмайлик, ортиқча харажат бизга ҳам оғир келади. Пиёзни бизнинг омборгача ўзингиз олиб бориб берақолинг. Бу пиёзни куз ичи сақлаб, кеч қишда бозор кўтарилганда сотамиз. Ундан беш-ўн танга тирикчилик учун фойдаланиб оламиз”, деб илтимос қилибди. Эргаш ва икковлари ўзларининг кичик мошинларини ҳайдаб йўл бошладилар. Улар шаҳардан чиқишиб анча олислаб кетдилар. Далаю дарахтзорлардан ўтиб қандайдир қамиш ва бутазорларга туташ бир овлоқ қўргонга етиб келдилар. Ҳалиги кишилардан бири мошиндан тушиб қўргоннинг катта темир дарвозасини ланг очди. Уларнинг ишораси билан Собиржон ҳам кичик мошин кетидан пиёз юклаган ўз мошинини ичкарига олиб кирди. Ҳовли жуда кенг. Охири бориб дарёга туташиб кетар, мевазор ва саккиз-ўн чоғлик катта-кичик қилиб солинган уйлардан иборат эди. Ҳовли ичида беш-олти нафар башаралари совуқ ғалати эркак-аёллар ғимирсиб юрадилар. Улар Собиржоннинг кўзига қандайдир шубҳали кўринишди.

Аммо, маҳалладоши Эргашнинг борлиги унинг юрагига далда берди. У мошинни орқаси билан олиб келиб кўрсатилган омборхонанинг эшигига тақади. Ҳалиги шубҳали кўринган кишилар пиёзни мошиндан туширишиб омборхонага жойлай бошладилар.

“Собир ака, булар юкни суриб саранжом қилишгунча мана бу хонага кириб бир пиёладан чой ичиб, ҳисоб-китобни қилиб турайлик” деб Эргаш уйлардан бирига Собиржон ва Садирларни бошлади. Улар мева-чева, ширинликлар билан дастурхонни тўлатиб қўйган хонага кирдилар. Ҳалиги башанг кийинган икки киши ҳам улар билан бирга киришди. Эргаш ўртадаги ширинликлардан олиб, Садирга узатди ва “сен ҳам азамат йигит бўлиб қолибсанку? Нечанчи синфда ўқияпсан? Баҳолар бешми ёки иккими? деб сўради. Жавобни олгач - менинг исмимни ҳам, қайси кўчада, қайси уйда туришимни ҳам эслайсанми ёки эсдан чиқардингми?” деб сўради кулгига аралаштириб.

“Яхши биламан, эсдан чиқарганим йўқ. Бизниқидан кейинги кўчадасизлар. Отингиз Эргаш ака, Тиркашнинг дадасисиз”, деб унинг ўғлини исмини ҳам айтди Садир”. “Баракалла, баракалла! Жуда зийрак экансан-ку”, деб мақтаган бўлди ва қаттиқ икки маротаба томоқ қирди. Шу пайт уйнинг тўри томонидаги парда кўтарилиб сочлари, мўйлаблари ўсиб кетган икки барзанги одам чиқиб, бири Собиржонга, иккинчиси Садирга шиддат билан ташландилар ва уларни маҳкам бўғиб парда ортидаги хонага судрадилар. Барзанги билан Собирнинг олишуви бир-икки дақиқа давом этди. Собир унинг омбирдек чангалидан чиқишга бор кучи билан чиранар, бақувват қўллари билан унинг қўлларини маҳкам чангаллаб, ўз бўйинини бўшатишга ҳаракат қилар, оёқлари билан ерни тепкилар, аммо барзангининг оғир, улкан гавдаси остидан чиқа олмас эди. Собиржон охирги кучини тўплаб қаттиқ силкинган эди, унинг бўйни ажалнинг қўлидан чиқди. У чаққонлик билан душманнинг панжаларини тишлаб ғажиб ташлади. Барзанги оғриққа чидай олмай гавдасини Собиржоннинг устидан кўтарди. Собиржон уни ағдариб, устига чиқди ва унинг бўйинини темирдек қўллари билан сиқа туриб ўнг қўлини белига тақилган пичоққа узатди. Шу пайт бирданига унинг бошига қаттиқ зарба келиб тушди. Унинг боши айланиб кўзи тинди ва ҳушини йўқотди. У бироздан сўнг ўзига келди. Кўзини очганда ҳалиги қотиллар Собиржон ва Садирни ичкаридаги тор, зах ва қўрқинчли хонадаги махсус одам боғлаш учун мослаштирилган, қарама-қарши икки устунга чирмаб боғлаб ташлаган эдилар. Садирнинг қон қуйилиб қизариб кетган кўзларидан тинмай ёш оқар, бошини ҳар томон силкитар, дод солмоқчи бўлиб кучанар, аммо оғзига тиқилган латта бунга имкон бермас эди. Ўғлининг аянчли аҳволини кўриб Собиржон ўкириб йиғлаб юборди ва “Эргаш, номард... болани қўйиб юбор! Мен сенга нима ёмонлик қилдимки қанжиқлик қияпсан, итвачча” деди ич-ичидан емирилиб. Собиржоннинг ғазаб билан айтган сўзларини Эргаш эшитмади. Чунки у аллақачон яна ўзининг мудҳиш вазифасини бажариш учун, яъни навбатдаги ўлжани тузоққа илинтиргани шаҳарга жўнаб кетган эди.

Собиржоннинг қаршисида бир қўли дока билан боғланган “Азроил” ва яна бир баҳайбат махлуқ куйдирилган калладек ишшайиб туришарди. “Ҳали бу чекка жойдаги деворлари баланд қўрғонга кирганда ва индамас одамларнинг хатти-ҳаракатларидан бу ерда қандайдир ваҳимали шарпани сезгандай бўлган эди-я...

“Ўшандаёқ мошинни шартта ортга буриб бу фалокатдан қочса ҳам бўлар экан. Хотинчалиш ифлос Эргашнинг борлиги уни чалғитган эди. Аттанг”, деб хаёлидан ўтказди Собиржон ва бу жойда унинг фарёдини эшитадиган зот йўқлигини, анави нусхалар дўқ-пўписаларга қўрқадиган ҳайвонлар эмаслигига ақли етиб, у жаллодларга яхши гапириб ялина бошлади.

- Йигитлар! Мен пиёздан ҳам мошиндан ҳам кечдим. Сизларга ҳеч қандай даъвойим йўқ. Бу ҳақда бирор кишига ёки давлат одамларига чурқ этмайман. Фақат бизларни қўйиб юборсанглар бас, - деди Собиржон.

- Бизни аҳмоқ деб ўйлаяпсанми? Сендақа муғомбир тулкиларни кўпини кўриб, терисини шилганмиз. Бу ердан иккаларингни тиригинг ҳам ўлигинг ҳам дарвозадан ташқари чиқмайди. Бундан хотиржам бўлсанг бўлаверади, - деб барзанги Собиржоннинг кўкрагига тепди. Собиржон орқаси билан устунга ёпишди. Кўкрак оғриғидан нафас олиши оғирлашиб кўз ўнги қоронғилашди. У бироздан сўнг ўзига келиб базўр кўзларини очди ва ўғли томонга қаради. Бу пайт иккинчи жаллод Садирнинг бутун вужудини дахшат қамчилай бошлади. У қаттиқ қичқирди билан “болага тегма ҳайвон! У ҳали гўдак-ку. Унда нима гуноҳ у яшаши керак, мана мени ўлдир, мени, қонхўр”, дея ўғли томон талпинди. Шу пайт унинг ҳам бўйнига пўлат сиртмоқ тушди. “Ўғлим, ўғилжонимни ўлдирма! Боламни ўлдирма! Уни қўйиб юбор, мен сенларга бор молу дунёимни ва жонимни бераман, уни қўйиб юбор, мени ўлдир”, дея Собиржон Садир томонга интилар, устунга боғланган занжирни узиб юбормоқчидек ҳар томонга талпинар, оёқларини типирчилатиб, бошини устунга урар, “дод” деб фарёд чекар ва овози тобора бўғилиб борар, ҳолдан тоярди.

Бир вақт сиртмоқ озгина бўшатилди. Собиржоннинг кўзларига ёниб турган икки чайир илоннинг кўзлари яқинлашди ва заҳарли тилларини чиқариб уни эрмак қилди - бола ширинми? Жуда ҳам ширинми? Биз сени ўлдириб уни қўйиб юборсак розимисан? - деди ғижиниб илон.

Розиман, розиман! Минг марта розиман! - деди аранг хирқираб Собиржон. “Шунақами? Сенга жон ширин эмасми ўғлингдан. Уни қўйворайликми? Ооо, тушингни “саҳар” сувга айтасан. Биз иккалангни ҳам ўлдирамиз. Қандай қилиб жон талашиларингни томоша қилиб, бир роҳатланамиз. Аммо сен гўрсўхтага ўхшаб пичоқ ёки ханжар ишлатмаймиз”, деб оғизларидан қўпик сочиб пишқирди ҳалиги нусха... Бу вақт нарги қотил болани бўғиб жонини халқумига келтирган, Садирнинг кўз нурлари йўқолиб, юзларига қон тепчиб қулоқларигача қизариб кетган, илондек баданига чирмашиб турган занжир чангалида тўлғонарди. У нималардир дейишга ҳаракат қилиб дадаси томонга бўйинини чўзиб талпинарди. Унинг бўйинини сиқиб турган сиртмоқ озгина бўшашди шекилли, у чўзиқ нафас чиқарди ва Собиржон томонга интилиб фарёд кўтарди “дадажон! Мени қутқаринг! Жон дада, қутқаринг! Жоним қийналиб кетди. Мени аям ва укаларим олдиға олиб кетинг”, деб ялинди. Ота ҳам у томонга интилди. “Болажоним! Жигаргўшам, кўзимнинг

гавҳари” дея ҳўнграб йиғлар, кўзаридан жала-жала ёшлар қуйилар ва “аблаҳ йиртқичлар, ҳали бу қилмишларинг учун жавоб берасанлар. Худо жазойингни беради. Болажоним, жигарбандим”, дея яна ўғли томон талпинар, додлар, фарёд чекарди. Аммо унинг додини ҳеч ким эшитмас, эшитганлар ҳам парво қилмас эдилар. Садир яна бўғилди бу сафар унинг калласи кўксига шилқ этиб тиралди. Ота у томон яна ташланди. Фарёд кўтарди. Бўйнидага сиртмоқ қаттиқ тортилди. Боши елкасига осилиб қолди. Жаллодлар уни ҳам ўлди деб ўйлаб, сиртмоқ ва занжирларни бўшатди. Кўзлари оқиб жонсиз ётган гавда кўзгалди ва бош кўтариб ўғли томон бир оз унсиз қараб турди.

Ҳалиги барзанги жаллодлардан бири ёнидаги ханжарни суғуриб “бунча жонинг қаттиқ, ифлос”, дея Собирнинг нақ юрагига ханжарини ботирди.

Ёвуз қотиллар ота-бола жасадларини кўрғоннинг этагида пишқириб оқаётган Салор дарёсига ташлаб юбордилар. Қотиллик саркардасининг ҳикояси шу нуқтага етганда, саркор шайтон ўз тахтидан асабий ҳолатда тушди. Кўзларини мушт қилиб, гурс-гурс қадамлар босиб сўйлоқ тишларини жаҳл билан ғижирлатиб, у ён-бу ёнга юра бошлади ва “бу бадбахт қотилларни “қозиққа” ўтқазиш керак. Дорга осиб керак ёки ўша ўзларининг устунларига оёқларини осмонга қилиб боғлаб остиларидан ўт ёқиш керак! Ҳозирги одамлар бундай йиртқичларни нима учун ана шундай қилиб жазоламайдилар. Бу каби ваҳшийликларни эшитиб, билиб-кўриб ҳам бепарволик қиладилар. “Ҳа, ёмон бўлибди-да” деб қўяқолишади. Бу қотилларнинг манфур қилмишлари ошкор бўлиб қолган чоғда ҳам уларга енгил жазо берадилар. “Инсонпарварлик” деб раҳм-шавқат қиладилар. Озгина фурсат ўтказиб, авф этиб ҳам юборадилар. Ахир у қотилларда инсонийлик фазилатларидан тариқча ҳам йўқ-ку? Улар одам қиёфасидаги ёвуз, йиртқич хайвонлардир. Бегуноҳ бандаларга озор этказган ҳар қандай хайвонга, паррандаю даррандага ва кимсаларга ҳеч қандай шавқат қилиш жоиз эмас. Чунки уларга раҳм қилиниб, жазоланмаса улар ўз ёвузликларини давом эттираверишади. Балки ундан-да баттарроқ йиртқичликлар қилишади. Шавқатсизлик, ёвузлик, йиртқичлик, имонсизлик ва куфр уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Буни бизлар жуда яхши биламиз. Ўша булғанган қонни уларнинг танасидан чиқариб ташланмас экан, бундай қотилликлар болалаб, кўпаяверади. Ўғирлик қилган кимсаларнинг қўл оёғини ёки калласини кесиш, ғар-зинокорларни тошбўрон қилиш, ноҳақ одам ўлдирганларни дорга осиб ҳамда давлат ёки одамлар ҳақиқа хиёнат қилганларни ўтда куйдириш керак. Шундай қилинмас экан, юқоридаги чоралар кўрилмас экан, нодон одамлар томонидан дунёда бузғунчиликлар, ёвузликлар кучаявериш, охир оқибат бу ҳаётий дунёни ҳалокатга олиб боришади. Афсуски, бу жазолар қўлланилмаяпти. Тўғри, давлатлар жорий қилган қонун-қоидаларда ундай жиноятларга қарши жазолар бор. Аммо ўта енгил, ижроси заиф. Ўша қонунлар асосида жазоланганлар ҳам муддатидан илгари тезда озод қилиб юборилмоқда. Улар ўз қилмишларига яраша жазоланмаяптилар, бундан ҳаволанган яна қайта-қайта ундан каттароқ, жиноятларга қўл урмоқдалар. Бундай жиноий ишлардан айрим манфаатдор кимсалар уларни қандайдир қинғир йўллар билан ҳимоя қилмоқдалар. Бу одат жуда хавфли ва дахшатлидир. Чунки одамлар бу қилмишлари билан ўз оёқларига ҳамда ҳаётий дунёнинг томирига болта урмоқдалар...

Баттар бўлишсин дейсану, яна бошқа томонларини ўйлаб қоласан, дея саркор шайтон асабий юришини бас қилиб, тахтига келиб чўқди ва қотиллик саркардасига ўтир ишорасини қилди. Аммо у ўтирмай “жаноби валинеъмат! Рухсат берсангиз ҳикоямнинг давоми бор эди. Шунини ниҳоясига етказиб қўйсам”, деди. “Айт” деди саркор шайтон ўз жойига яхшироқ ўрнашиб оларкан. Бу пайт муҳаббат бошлиқ меҳр, оқибат, шафқат, адолат, виждон, садоқат ва вафолар дастурмолларини жиққа ҳўл қилиб йиғлаб ўтиришарди. Шайтонларнинг суҳбатларини эшитиб кузатиб, деворга суяниб турган менинг ҳам халқумимга бир нарсани тикилиб, кўзларимдан зардобли ёш бўлиб отилиб чиқаётган эди.

- Муҳтарам зот, - дея ўз ҳикоясини давом эттирди қотиллик саркардаси. - Ҳикоямнинг аввалида марҳум Собиржоннинг беш фарзанди борлигини айтган эдим. “Икки-уч кун ичида пиёзни сотиб қайтамиз”, деб кетган ота-боладан бир ҳафтагача дарак бўлмади. Собиржоннинг хотини Лутфинисо хавотирга тушиб, болалари эса дадаси ва акасини соғинишиб йиғлай бошладилар. Уларнинг бир ҳафтадан буён дом-дараксиз кетганлигини Лутфинисо дастлаб яқин қўни-қўшниларига, кейинчалик маҳалла оқсоқолига йиғлаб, кўнгли нимагадир ғаш, бесарамжонлигини айтди. “Улар яна оз-моз кутинг. Ҳозир ҳамма бозорларда ҳам пиёз дегани тикилиб ётибди. Бир мошин нарсани сотиш осонмас. Яхши ният қилибтуринг-чи, келиб қолишади”, деб Лутфинисони хотиржам қилган бўлдилар. Орадан яна бир ҳафта ўтди. Кетганлардан на хабар, на дарак бўлди. Лутфинисонинг хавотири энди кўрқувга айланиб унинг ичидагини тамоман вайрон қилди. Кечалари кўзларидан уйқуни қувиб чиқарди. Болаларнинг харҳашаси кучайди. У ўзини қўйгани жой ва ташвишини сиғдиргани дунё тополмай қолди. Мисоли эндигина тутиб келтириб қафасга солинган қуш каби типирчилар ўзини ҳар ёнга ура бошлади. Маҳалла оқсоқоли ва қўни-қўшнилари қуруқ ҳол-аҳвол сўраб, сабр қилишини маслаҳат беришдан нарига ўтмадилар. Лутфинисонинг дардини эшитадиган бошқа яқинроқ одами ҳам йўқ эди. Сабржоннинг ота-онаси у гўдаклигидаёқ ажрашиб, уни болалар уйига ташлаб кетган. Лутфинисонинг ҳам ота-оналари аллақачон вафот этишган бўлиб, бирор жон-қуяри йўқ эди. Фақатгина улардан узокроқ қишлоқда яшайдиган тоғасининг ўғли Тўланбой исмли қариндоши бор эди холос. Бандаларнинг яхши бўлмаган бир одатлари бор. У ҳам бўлса фақатгина бошларига бирор оғир иш тушганда қариндош-уруғ, дўст-ёрларни эслаб, излаб қоладилар. Кўча-кўйда бирор хавф тўрига тушиб қолсалар эса, аввало, Аллоҳдан нажот тилаш ўрнига уларнинг ҳаёлига биринчи бўлиб миршаб келади ва атрофдан уни олазарак қидира бошлайдилар. Лутфинисо ҳам, борди-келдилари камайиб қариндошлик ришталари чириб қолган

тоғаваччаси Тўланбойни эслаб қолди. У эрта саҳар ўрнидан турибоқ, болалардан кўз-қулоқ бўлиб туришини қўшнисидан илтимос қилиб, қишлоққа жўнади.

Тўланбой эндигина далага кетиш учун отланиб турган эди. У Лутфинисонинг йиғи аралаш арз-додини ва Собиржон, Садирларни қидиришга ёрдамлашиши илтижосини эшитиб анча ачинган бўлди. “Жуда узоққа кетишган экан-да. Ўша савилни шу ерда ҳам сотса бўлардию. Ахир узоқ мусофир жойлардан уларни қидириб топиш осон бўладими? Унинг устига борди-келди ва бошқа харажатларга чакана пул кетадими, жиян?” деди бош қашиб Тўланбой.

“Ўқовлимизда бир сигир ва икки қўй бор, шуни сотиб пул қилиб бераман. Жон ака! Сиздан бошқа суянчиғим йўқ бу дунёда. Болаларим ота деб йиғлайверишиб қон қилиб юборди. Менинг юрагим ҳам тинч эмас. Бегона юртларда бирор фалокат бўладимики деб кечаю кундуз ўйлаб, ич-этимни еб тугатдим. Худо хайрингизни берсин. Яхшилигингиз биздан қайтмаса, Аллоҳимдан қайтсин. Ўша шаҳарга бориб, бозор-учарлардан, ундан-бундан суриштириб кўринг-чи, зора дараклари чиқиб қолса”, деб ялинди Лутфинисо. Тўланбой бироз ўйланиб тургач, “мени бир-икки кунга зарур ишларим бор, шуларни тугатиб қўйай, ундан сўнг ўша шаҳарга бориб қидириб келаман”, деб розилик берди.

Лутфинисо сигир ва қўйларни қўшнисига арзон-гаров сотиб, пулини тоғаваччасининг қўлига тутқазди. У кўзлари тўрт, қулоқлари динг бўлиб “даданг, аканглар эртага келишади”, деган алдовли умидлар билан овунтириб, сабрсиз, уйқусиз уч кунни ҳам ўтказди, тўртинчи куни эрталаб Тўланбойнинг ёлғиз ўзи дарвозадан ҳориб-чарчаб паришон ҳолда кириб келди ва афсус-надомат билан бош чайқаб “мен қидирмаган жой, суриштирмаган одам қолмади. Ҳеч бир кимса уларни ерда ҳам, кўкда ҳам кўрдим дейишмади. Дарёга отилган тошдек зим-зиё”, деди ачиниш билан Тўланбой. Лутфинисонинг юрагини ўяётган зардобли ғашлик томоғига тикилиб, фарёдга айланиб оғзидан отилиб чиқди. Унга болаларнинг дод-нолалари қўшилиб кетди. Ҳовлини ларзага келтириб, шиддат билан маҳаллага югурган қий-чув йиғи одамлар қулоғини тешиб ўтиб, юраклариги ваҳима солди. Зум ўтмай ҳовли одамлар билан тўлди. Тўланбой келтирган нохуш хабар бўлса ҳам, баъзилар “йиғи-сиғини бошлаб ёмон ният қилманг. Худойимдан уларни соғ-саломат кириб келишларини тиланг. У бозорда пиёз касод бўлса, эҳтимол улар бошқа шаҳарга ўтиб кетишгандир. Тағларида тайёр машиналари бўлса сабр қилиб кутинг. Иложи бўлса миршабларга ҳам хабар илиб кўринг. Мамлакат бедарвоза, эгаси йўқ ҳовли эмас, топилиб қолар”, деб Лутфинисога далда бўлиб уни тинчитган бўлишди. Аммо ойлар ўтди ҳамки ота-боладан ҳеч қандай дарак бўлмади. Маҳалла фаоллари ҳам, идоралар бу бечора оч, юпун қолиб чуғурлашиб йиғлашаётган оиланинг аянчли тақдири билан астойдил қизиқмадилар. Орадан азоб-уқубатли бир йил ҳам ўтди. Энг каттаси 11 ёшли бола билан қолган Лутфинисо, борки бисотини сотиб болаларини боқди. Даромад келтирадиган ҳеч қандай манба қолмади. У ёшлигида етимлик билан қаровсиз ўтиб ҳунар-пунар ҳам ўрганиб ололмаган эди. Эндиликда рўзгорни тебратиш ташвиши унинг бошини қотириб, оғир ташвишларнинг охири берк кўчасига киритиб қўйди. Атрофда уларнинг додига етиб, раҳм-шафқат қиладиганлар йўқ эди. Ҳаёт беқиёс маккора, ёсуман эканки, инсонни бир кулдирса, бирда қон-қон йиғлатар экан. Рўзгор деганлари эса, ўлиб-толиб топанларининг ютиб юбораверадиган, аммо ҳеч қачон тўлмас тубсиз қудуқ экан. У оғзини очиб тураверар ва “яна, яна”, деб сўрайверар экан. Эрининг борлигида бу оғир муҳтожликлар сезилмаган эди. Кундалик эҳтиёжга яраша барча нарсалар бисёр ва бекаму-кўст эди. Бир йил ичидаёқ борки нарсаларни ҳалиги лаънати тубсиз кучук қурғур ютиб юборди. “Ўтиб еганга тоғ ҳам туриш бермайди”, деганлари ҳақ гап экан.

Мана энди рўзгорда егулик ёки сотишга арзигулик ҳеч вақо қолмади? Тўртта гўдак болани қандай боқади? Кимга ялинади, кимларга ёлборади. Унинг дардига ким ҳам малҳам қўяди-ю, кимларнинг раҳми келади? Тирикчилик ғамидан қотиб кетган бошини қайси тошларга уради. Дунёга сиғмаётган аламини қайси юрагига сиғдиради? Ана шуларни ўйласа бу мусибат ёки Лутфинисонинг қалбини тобора эзиб каламушдек кемириб борарди. Кейинги пайтларда Лутфинисонинг юраги бу дарду ситамларга дош беролмай, санчиб-санчиб оғрийдиган, типирчилаб кўрагини ёриб чиққудек бўлиб азоб берарди. Ўшандай пайтларда унинг бу машаққат, алам, андуҳларга тўла дунёдан кўнгли совиб, жонидан тўйиб, ҳамма нарсалардан умидини узиб, ўзини дарёга ташлагиси келар, аммо кўзлари мўлтиллаб “нон” дея қўлчаларини чўзиб турган тўрт жигарбандини кўз олдига келтириб бу шаштидан қайтарди. Мана бугун қозонга солгудек бирор нарса қолмаган. Қўни-қўшнилари онда-сонда у бу чиқаришиб турарди. Тўланбой тоғаваччаси ҳам икки-уч хабар олиб, бир оз ун, озгина гуруч ташлаб кетди. Ҳа деб ўзларидан ошиниб беравермайди. Иннайкейин, “Қўлдан берган билан қуш тўймас” экан. Лутфинисо охириги умиди ва бисоти бўлган, эри никоҳ куни қўлига тақиб қўйган тилла узукни сотиш ниятида қўшнисиникига кўтариб чиқди. Келишилган пулни қўлига олдию, ўпкасини тутолмай хўнграб йиғлаб юборди. Чунки унинг учун энг азиз ва табаррук бўлиб қолган эридан ягона ёдгорликдан ҳам айрилган эди-да. У ёлғиз қолган пайтларда ўша узукни қўлига олар, силаб-сийпар, кўзлари ва юзларига суркаб ўпар, ўшанда эри ва боласини кўргандек бўлар, юраги андак бўлса-да ором олиб таскин топарди. Мана энди, охириги овунчоғи ҳам уни тарк этди, тарк этдигина эмас, қашшоқликнинг шавқатсиз қўллари унинг қўлидан юлиб олиб ёлғизлик ва ночорлик дунёсига ташлаб кетди.

Лутфинисо тўғри бозорга бориб, емак ва қозонда қайнатгудек нарсалар харид қилди. У бозор айланиб юаркан тўсатдан калласига бир фикр келиб ун, гўшт, пиёз ва ёғни кўпроқ олди. Ўша куни болалар учун қувончли байрам бўлди, чунки улар тўйиб-тўйиб мазали гўштли овқат едилар. Эртаси куни тонг ёришмасдан Лутфинисо ўрнидан турди. Яхшилаб таҳорат, ўзи билган сурадан тиловат қилиб, яратган эгамдан хонадонига файз-барака, гўдакларига узоқ-умр, бахт-саодат ва мўл-кўл ризқ-насиба ҳамда сафарга кетган эри ва ўғли соғ-саломат келишларини тилаб ибодат қилди. Сўнг, кеча дафъатан хаёлига келган

фикрни амалга оширишга унади. У бозорга олиб чиқиб сотиш, шу билан рўзгор тебратиш мақсади-да манти тайёрлай бошлади.

Усиз ҳам бозорда қаторлашиб кетган мантифурушлар Лутфинисога ёмон кўз билан олайишиб “бизларнинг насибамизга шерик бўляпсан” дегандай назар билан қарардилар. Улар аллақачон харидори чаққон жойларни эгаллаб олган эдилар. Яхшиямки, бир кексароқ кўринган киши унинг юпун кийимли ва сўлиққан, ғам-ташвиш уфуриб турган ранг-рўйини кўриб раҳми келди шекилли, унга бир чеккадан жой кўрсатиб берди. Бозорчилар бир ҳафтагача уни турткиладилар. Аммо, унинг аҳволидан хабардор бўлишгач, аста-секин кўникишиб, солаётган қовоқлари кўтарилди. Бошқаларга ўхшаб мантини тайёрлашда қитмирлик аралаштирмай пиёзни камроқ, гўшт-ёғини кўпроқ солиб мазали қилиб пиширганлиги учун унинг харидор хўрандалари кўпайиб, харажатдан ташқари кундалик озиқ-овқатга бемалол етадиган фойда қола бошлади. Бундан Лутфинисонинг кўнглига анча ёруғлик мўралади. Унинг қўли-қўлига тегмай савдо қилаётганидан ғаш келган бир бахил мантифуруш аёл унинг олдига келди ва ранги гезариб, “бунақада фойда жуда кам қолади. Гўшт ёғни камайтириб пиёзни кўпайтиринг ана ўшанда тенгма-тенг ташлайди”, деди. Лутфинисо унинг кўнгли учун “хўп” дедию, аммо масаллиққа ўзгартириш киритмади. Бир кун унинг тоғорадаги мантиси яримлаб қолган эди. Тўсатдан атрофдаги ҳамма мантифурушлар лаган ва тоғораларни кўтаришиб ҳар томонга тум-тарақай қоча бошладилар. Лутфинисо бу манзарадан ҳайрон бўлиб турган эди, унинг олдига уч нафар давангирдек йигитлар келиб “бу нима?” деб дўқ уришди. Лутфинисо манти эканлигини айтди. “Қаерда пиширгансиз?”

- Уйда, - деди Лутфинисо.

- Мумкин эмас, бу қонунга тўғри келмайди. Тиббий эҳтимолларга кўра, бунга микроб тушган бўлиши мумкин. Унда буни еган одамларни заҳарлаб, касал қилиши аниқ, дедию ёнидаги девқомат йигитга “кўтар буни” деб тоғорага ишора қилди. Ҳалиги барзанги манти солинган тоғорага ёпишди ва уни ёнбошига тираб “буни қойдага биноан мусодара қиламиз ва ахлатга ташлаворамиз”, деб нари кета бошлади. Лутфинисо унинг орқасидан эргашди. “Жон укалар! Отасиз ўстираётган тўртта сағирим бор. Бу ўшаларнинг ризқи. Мантини қайтариб беринглар! Худо хайрингизни берсин!” деб ялиниб борар, аммо улар Лутфинисонинг ялиниб-ёлворишларига парво ҳам қилиб қўймас эдилар. Улар бозор бошлиғи хонасига кириб кетишди. Лутфинисо у ерда ҳам кўп арзи ҳолини айтиб ялинди, ёлворди. Фойдаси бўлмади. Бошлиқ уларнинг пўписасини такрорлади. Бироздан сўнг унинг қўлига қуруқ тоғорани тутқазиб “иккинчи бу ишни қилманг. Бозорда қорангизни кўрмайлик, давлатимиз қонунларига тўғри келадиган бошқа иш топинг” дейишиб чиқариб юбордилар. Лутфинисо бу идорадан хўрланиб йиғлаб чиқиб кетди.

Аммо “бу мантини ахлатга ташлаб юборамиз”, деб Лутфинисодан тортиб олган ёғу-мурч аралаш мазали таомни ҳалиги ҳаромтомоқ барзангилар нариги хонада паққос туширишиб “мантифурушнинг қўли жуда ширин экан”, дейишиб Лутфинисонинг устидан мазач қилиб кулишарди. Лутфинисо қолган лаш-лушларини йигиштириш учун ўз жойига қайтиб келди, қарасаки, ҳалиги қочиб кетган барча мантифурушлар ҳеч нарсга кўрмагану, бўлмагандай бамайлихотир ўз мантиларига бақир-чақириб “мана ёғи мурч, мазаси оғзингизда қолади, қўй гўшти думба ёғ, буни емабсиз дунёга келмабсиз. Пулингиз ўзингизда кетади” дейишиб харидор чақирардилар. Лутфинисо бу ҳолатдан таажжубга тушди. Аммо индамай кўзларидан шашқатор аччиқ ёшларини оқизиб нарсаларини йиғиштира бошлади. Шу пайт унинг олдига бир ёшроқ, ингичка қошли, кўзлари ўйнаб турувчи йигит келиб, “нима бўлди, опахоним” деб сўради.

- Анаву яшамагурлар мантимни олиб қўйишди. Иккинчи бу ишни қилманг, деб дўқ уришди, - деди томоғига тикилган йиғини ичига базўр ютиб Лутфинисо.

- Э,э,э, шунга ҳам йиғлайсизми? Улар гапиришаверади. Ит ҳураверади, карвон ўтаверади. Уларнинг томоғи қуриб қолганда, ҳўллаб олиш учун бу ерга овга келишади. Майли десангиз, сизга битта маслаҳат айтаман, - деди овозини пасайтириб йигит.

- Қани айтинг-чи, - деди Лутфинисо унга савол назарини ташлаб кўз ёшларини артар экан. Йигит оғзини Лутфинисонинг қулоғига яқинроқ олиб келиб, паст овозда “агарда фойдадан менга - у бармоқларини Лутфинисонинг кўз олдига яқинлаштириб бир-бирига ишқалаб, тирсиллатди - чўтал бериб турсангиз улар келишидан олдин сизга хабар қиламан. Уларнинг кўзидан четроққа ўтиб турасиз. Олам соф. Улар келадию галини олишиб гумдон бўлишади. Сиз эса савдойингизни бемалол қилаверасиз, - деди сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб илжаяр экан.

- Қанча бераман? - сўради яна Лутфинисо.

- Э,э,э, от билан туя бўлармиди? Кўнглингиздан чиққанини бераверасиз.

- Хўп, келишдик, - деди Лутфинисо чора топилганидан хурсанд бўлиб. Орадан икки кун ўтди. Лутфинисони савдоси эндиgina қизий бошлаган эди ҳамки унинг олдига ҳалиги йигит - унинг исми Раҳимжон - келиб, Лутфинисонинг қулоғига “ҳозир халқ назоратчилари келишади, ўзингизни тезда четроққа олинг”, дедию зудлик билан нарига кетди.

Ҳақиқатдан ҳам бир оздан сўнг атрофда қувди-қувди, қоч-қоч, ушла-ушла бошланди. Лутфинисо ҳам шериклари қатори тоғарасини қўлтиқлаб, бир дўконнинг орқа томонига ўтиб, яшириниб анча фурсат бозорни кузатиб турди. Мантифурушлар бирин-кетин келишиб, ўз жойларини эгаллай бошлагач, у ҳам мантисини кўтариб бориб, ўз жойига ўрнашди. Эндигина бир-икки хўрандага савдо қилган эди ҳамки, унинг олдига бир нотаниш, бурни қовоқдек, юзлари товоқдек киши келиб “ой ҳам охирлаб қоляпти. Фаррошларига маош учун пул йиғяпмиз, уч сўм беринг”, деди Лутфинисога кир қўлларини жўзиб. Лутфинисо гапни кўп чўзиб ўтирмай унинг очиб турган кафтига пулни ташлади. У одамнинг қораси ўчмай туриб Лутфинисонинг

қаршисида илжайган Раҳимжон пайдо бўлди, “қани, бизнинг хизматимизга атаганингизни узатинг, опажоним” дея у ҳам қўл чўзди. Лутфинисо ваъдага мувофиқ унга икки сўм узатди. Раҳимжон пулни унинг қўлидан норози ҳаракат билан тортиб олди-ю навбатдаги “ўлжа” томон шошиб ўтиб кетди. Кечга яқин Лутфинисо савдодан тушган пулларни санаб кўрди. Ўша куни тўққиз сўм фойда қолиб ундан бешини ҳалиги текинхўрлар уриб кетиб, ўзига тўрт сўм қолган эди. Лутфинисонинг уйкусиз, тонг саҳардан буён тинмай меҳнат қилиб, ҳар кимларга сарғайиб, томоғи қуруқшаб, ачишиб, харидор чақириб топган фойдасининг ярмидан кўпини бели оғримаганлар юлиб кетганига жони ачишди. Бечора нима ҳам қилсин, уларнинг гапига кириб, доирасига ўйнамаса, тирикчилик қилдишмайди. Бундай аталанинг ичидан суяк чиққани каби бўғизга тикилувчи ноинсофлар дастидан Лутфинисо рўзғор харажатларини қисқартириб болаларини ризқидан қийиб пулни яна ҳам тежаброқ ишлатишга мажбур бўла бошлади. Эртаси куни чошгоҳга яқин кечаги носқовоқ буриш одам яна Лутфинисонинг олдига келиб “бозор қоровулига ойлик учун”, деб яна уч сўм шилиб кетди. Раҳимжоннинг хизматига ҳам эндигина 2 сўм бериб турган ҳам эдики, яна бир башанг кийинган киши келиб “хўжайин тўй қиялпти, бешдан йиғим қиялпмиз тезроқ узатинг, вақт тигиз” деб шошилтириб пулни олди. Ўша куни паттачига бериладиган кундалик 1 сўм билан қўшилиб, Лутфинисодан ўн бир сўм дод деб кетди. Кечқурунги овқатга Лутфинисо бу сафар гўшт сололмайди. Эртаси куни эрталаб Раҳимжон юраги оғзига тикилиб ҳансираб Лутфинисонинг олдига шошилиб келдию, “Опажон молиядан одам бор. Тезда ўзингизни четга олинг”, деб зудлик билан навбатдаги мантифуришлар томон кетди. Индинига эса, яна Раҳимжон “қочинг опажоним, миршаблар идорасидан одам бор”, дея огоҳлантириб нари кетди. Бундай машмашалар кундан-кун кучайиб бораверди. Бозорда молиячилар, халқ назоратчилари, миршаблар, тозалик назоратчилари ва ҳоказоларга деб йиғди-йиғдилар кўпайгандан-кўпайди.

Лутфинисонинг кундалик топаётган фойдаси ўша текинхўрлардан ошмай қолди. Натижада у фойда ўрнига зарар кўра бошлади. Оила аъзолари яна рўзғор тоши оғирлиги остида эзила бошлади. Лутфинисо манти сотишни бас қилиб, бир нўхатфуруш танишининг маслаҳати билан харажати камроқ кўринган “нўхатшўрак” пишириб сота бошлади. Аммо бу ҳунарда ҳам Лутфинисо “эски тос, эски ҳаммом”га дуч келди. Илгариги қувди-қувди, қоч-қоч, бер-бер машмашалари бу жойда ҳам давом этди. Бундан ҳам унум бермагач, Лутфинисо шаҳарчадаги мактаб, кичик-кичик гузарлар биқинида эрталабдан то кечгача ўтириб писта, қуртоб сота бошлади. Аммо, Лутфинисо бу жойларга ҳам сифмади. Баъзи бир катталар “ҳамма ёқни ахлатга тўлдириб юборяпсиз” дейишиб, у жойлардан ҳам қувғин қилишаверди. Ойлаб сарсон-саргардонлик Лутфинисонинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолди, ҳеч ким унинг аянчли аҳволи билан ҳисоблашмас, юрагидаги дардига малҳам қўйиш ўрнига юрагига оғу томизар, ялиниши, арзларига қулоқ солмас, аксинча, уни коптокдек бир-бирларига отиб ўйнашар, ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлашар эди. Ниҳоят Лутфинисонинг у-бу олиб сотиб айлантириб турган дазмояси ҳам тугади. Ҳаётнинг шафқатсиз араваси уни ва тўрт норасида болаларини ўнқир-чўнқир йўллардан олиб бориб, тубсиз жарнинг ёқасига келтириб тақаб қўйди. У бундай қийноқларга дош беролмай, ундан қутулиш чораларини тополмай даҳшатли ўйлар оғушида талвасага тушиб қолди. Бир куни унинг аҳволидан хабардор бўлган қўшниси ўзи ишлаётган идорага фаррошлик ишига жойлаштириб қўйишини айтди. Лутфинисо рози бўлиб ишга қатнай бошлади. Бу ерда ойлик маош бир ойда бир берилар эди. Бу давр ичида Лутфинисо болаларини қуруқ нон ва атала билан боқиб, бир ойни аранг ўтказди. Ваъда қилинган ойлик пулни оладиган вақт ҳам етиб келди. Аммо идора хазиначиси даромад, йўл, тутунлар учун солиқ ҳақи ушлаб қолди ва тўйга, ўлимга, туғилган кунларга деб маошнинг кўп қисмини ушлаб қолиб, Лутфинисонинг қўлига арзимас пул тутқазди. Бу пул билан оиладаги беш жонни ярим ой ҳам боқиб бўлмас эди. Лутфинисо тирикчиликка етказолмаган пайтларда қўни-қўшнилардан қарз-ҳавола қилиб турар эди. Аммо, қарздорлик ойдан-ойга кўпайиб бориб, Лутфинисони бўйнига солинган арқон каби сиқиб бораверди. Болаларнинг уст-бошларига ҳам ямоқ тушди. Оёғига илгудек нарсалари қолмади. Рангу-рўйидан қон қочиб, озиб-тўзиб чикалдакдек бўлиб қолишди.

Кечаю-кундуз ғам-ташвиш, ғуссаю-андух Лутфинисонинг жисми, рагини ғажиб тугатиб, ақлига ҳужум қила бошлади. У тез-тез ҳушини йўқотиб, кўп нарсаларни эсидан чиқарадиган, баъзида ваҳимага тушиб йиғлайдиган, баъзан эса паришонхотир юрадиган, болаларнинг қорни очлигидан қиладиган ғишаваларига ҳам бепарво, лоқайд бўлиб қолди.

Қўшнилари олинган қарзларни қайтаришни, сўраб, тинмай чиқишлари, беролмагач, жанжал кўтаришиб “бериш қўлингдан келмаса нимага оласан? Гадоёлар, ори йўқ уятсизлар, бировларнинг ҳақини еб, қайтармасдан худодан қўрқмайсанми? Дўзахи”, деб Лутфинисони ҳақорат қилишлари, кўча болалари эса Лутфинисонинг болаларини “етимча, еттикулча, тиламчилар”, деб мазах қилишлари, болалар бу ҳақоратларга чидолмай йиғлашлари - бари-бари хўрликлар Лутфинисонинг қалби, ич етини еб, устихонини кемириб, адои-тамом қилган эди. Мана бугун қотган нон бўлса ҳам ейишди. Эртагаликка шу ҳам йўқ. Болалар қорни очиб “нон-нон” деб йиғлашса нима қиламан? Кимларга ялиниб, ёлбораман, ахир ҳеч кимнинг раҳми келмаса... Болаларнинг дадаси ҳам етимлик азоби, хор-зорлик ва очлик, юпунликда, бир бурда нонга, ота-она ҳамда ўзгаларнинг меҳрига зор бўлиб ўтган эди. Мен ҳам етимлик дардини тоза тортганман. Бировларнинг қўлларида кўча-куйларда саргардон бўлиб, оч-яланғоч қолган кунларим, совуқларда қақшаб, бирор илиқ қўл бошимни силашига зору-муҳтож бўлган пайтларим жуда кўп бўлган. Энди бу фалокат болаларим бошида қиличини ўйнатиб турибди. Эй золим фалак, мунча ҳам қаҳринг қаттиқ бўлмаса”, деб Лутфинисо йиғлаб ярим кечагача тўлғониб ётди. Эртага уни кутиб турган очлик, муҳтожлик даҳшати кучайиб, уни тобора ваҳимага солар, юрагини ғижимлаб, бўйинини сиқиб қандайдир тубсиз ўпқонлар томон сурарди ва дунёга келганига пушаймонлар қилиб, жонидан тўйдирарди. У кейинги ҳафталардаги

уйқусизликдан азобланиб, ғам-аламларнинг аёвсиз ҳужумларидан чарчаб мияси ғовлаб кетди. Боши гангиб, фикрлари ундан йироқлашди. Унинг ўрнига қандайдир хунук махлуқлар бошида айланиб, уни восвосга сола бошлади. Лутфинисо шартта ўрнидан туриб, ўн бир ёшга тўлган, ширин уйқуда ётган қизининг устига бостириб борди. Ёпиниб ётган жулдур кўрпачани унинг устидан тортиб олиб, ўрнидан туришини буюрди. Қиз уйқусираб кўзларини уқалаб нима қилишини сўради. “Уй совуб кетди. Ертўладан кўмир олиб чиқамиз”, деб Лутфинисо уни ҳовлига етаклади. Улар бирин-кетин ертўлага тушди. Қиз пақирга кўмир сола бошлади. Шу пайт Лутфинисо нарироқда турган болтани олиб қизни бошига бор кучи билан урди... Қиз шўрлик овоз чиқаришга ҳам улгуролмай ерга ағдарилди. Жазавага тушган Лутфинисо у ердан телбаларча югуриб чиқди ва уйга кириб саккиз ёшли ўғлини уйғотмоқчи бўлди. Бола уйқусираб ҳадеганда ўрнидан туравермади.

“Тур тезроқ, омборхонадаги сурпа тагида озгина ун бор, шуни олиб чиқамиз, мен сенга чевати қилиб бераман”, деди Лутфинисо болани қўлидан тортиб. Бола чевати номини эшитгач, сакраб ўрнидан туриб онасининг олдига тушди. Ҳеч нарсадан хабарсиз қорни оч бечора бола омборхонага кириши биланоқ унинг ҳам бошига болта урди. Боланинг кўзлари олайиб, сурпага қўлини чўзганича шилқ этиб ерга йиқилди. Кўзлари қонга тўлиб, йиртқичга айланган Лутфинисо яна зудлик билан уйга қайтиб кирди ва учинчи, тўрт яшар боласини ҳамда бешиқда ухлаётган тўртинчи, икки яшар боласини ҳам бўғиб ўлдирди ва “ана энда болаларим, жигар гўшаларим, гўдакларим бу дунёнинг қаттол азобларини тортмай бегуноҳ бандалар қаторида тўғри жаннатга борадилар, у ерда ҳуру-ғуломларга айланишиб, роҳат-фароғатда бўладилар”, деб Лутфинисо қарсак чалиб ўйин тушди, бироздан сўнг унинг кўзлари ярқ этиб очилдию, ваҳимали даҳшат ичида қолди ва шиддат билан ертўлага югурди... У ерда қонга беланиб жонсиз ётган қизининг устига ўзини талади. Уни маҳкам кучиб, кўзлари, юзларидан ўпди. У ердан омборхонага қараб ўқдек отилди. Жонсиз ётган ўғлининг ҳам жасадини кучоқлаб, фарёд кўтарди ва унинг ҳам юз-кўзларидан ўпиб, ташқарига югурди, уйга кириб нафас олмай юзлари ойдек бўлиб кулимсираб ётган гўдакларини ҳам кучоқлаб ўпди. Бошларини силади. Қон-қон йиғлади ва болаларим, жигарбандларим, нуридийдаларим, мен қотил онангизни кечиринглар, дунёнинг шафқатсиз, аммо чеки-чегараси йўқ ғам-аламлардан азоб чекишларингиздан халос қилдим. Отангиз ва менга ўхшаб бу замондаги ёмон, бешафқат одамларнинг вафосизлигидан, зулмидан азоб чекмасин дедим ва муҳтожлик, хорлик, қашшоқлик сиртмоғида қийналишларингизни истамай, қўлимни қон қилиб, ўз бағримдан пайдо бўлган сиз жигаргўшаларимни ўлдирдим. Сизлар мусичадек бегуноҳсизлар, Худойим сизларни албатта жаннатга киргизади. Энди сизлар мени озгина кутиб турунглари, орқаларингиздан етиб олай”, дедию Лутфинисо шартта ўрнидан туриб омборхонага чопди. У ердан қозиқда илиғлик турган арқонни олиб ҳовлидаги ўрик дарахтига тирмашиб чиқди. Арқоннинг бир учини дарахтнинг йўғон шохига маҳкамлаб, иккинчи учини ўзининг бўйининг бойлади ва гавдасини ерга отди...

“Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар ана шу эди. Мободо бизларга хизматлар бўлса, амрингизга мунтазирман, аёло ҳазратим”, деди таъзим ила қотиллик саркардаси ўз ҳикоясини тугатар экан.

Ҳамма жим... Муҳаббат гуруҳидагилар ҳамон юм-юм йиғлаб ўтирардилар. Саркор шайтоннинг кўзидан икки томчи ёш думалаб кўксига тушди. “Ростдан ҳам, ўн саккиз минг олам кўрмаган, эшитмаган қотиллик экан”, деди ниҳоят бошини кўтариб саркор шайтон. Мен бу фожианинг юз беришида кимни айблашни ҳам билмай қолдим. Ақлим бовар қилмаяпти. Она ўз фарзандларини, ўз қўллари билан ўлдириши мумкин эмас эди-ку? Чунки Тангри ўз каломларига ота-онага меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш, хаттоки улар кофир бўлса ҳам, то умрларининг охиригача эҳтиётлаб ҳурмат ва парвариш қилишни ўғил қизларга қайта-қайта буюради ҳамда ўзи ҳам уларни азизу мукаррам қилдим деб улуғлайди. Аммо ота-оналарга эса болаларига меҳрибон, ғамхўр бўлиши кераклиги ҳақида ҳеч қандай ҳукм қилмайди. Чунки ота-онанинг қалбига тақдири азалдаёқ фарзандларга нисбатан оламларга татиғулик, то қиёматгача бир томчи ҳам камаймайдиган меҳр солиб қўяди. Шу сабабдан фарзандларга меҳрибон бўлишини ота-оналарга эслатиш шарт эмас, деди. Дунёнинг бошига тушган бу мусибат олам яратилгандан буён биринчи ва охириги бўлса керак. Бу разолатли воқеанинг юз беришига ҳам одамларнинг ўзлари сабабчи, уларнинг бир-бирига ҳурмат, меҳр-оқибатда бўлмай аксинча адолатсизлик, нафсга қуллик ва худбинлиги бўлган”, деб саркор шайтон қотиллик саркардасига ўқрайиб қаради ва ёки балки сен ҳам ўша Эргашларни қотилликга гиж-гижлаб, шериклик қилгандирсан” дея саркор шайтон тишларини ғижирлатди.

- Йўқ-йўқ, пушти паноҳим! Биз аллақачонлардан бери бандаларнинг қотиллик қилишларига аралашмай, даъват қилмай қўйганмиз. Фақатгина уларга гувоҳ бўлиш учун кузатиб юрамиз холос, деди қотиллик саркардаси кўрқувдан дағ-дағ қалтираб.

- Ўтир жойингга! Аммо, айтиб қўяй, фақат сен эмас, ҳаммаларингиз иккала қулоқларингиз билан эшитиб, хотира дафтарларингизга ёзиб олингларики, она ўз болаларини ўлдирганлиги ҳақидаги бу мудҳиш фожеани асло одамлар орасида ёйманглари ва мутлақо уларнинг ёдларига солманглари. Бизлар баъзида одамлар орасида ўз қизларига, келинларига, сингилларига ва бошқа Оллоҳ ман қилган яқинларига хиёнат этган кофир, мушрик бандаларни ҳам эшитганмиз... Алҳазар, алҳазар! Минбаъд, бундай ғайриинсоний қилмишларни гапириш ҳам, эшитиш ҳам, дунёга сиғмайдиган гуноҳдир.

Одамларда бир ёмон қусур бор. Баъзи дўзахийлар қилаётган куфр ишларни кўришиб ёки эшитишса “фалончилар қияпти-ку, биз ҳам қилсак бўлаверади” деган ниҳоятда хатарли фикр қилишади. Улар билмайдиларки, билишни ҳам хохламайдиларки, бу фикр, бу амаллар уларни муқаррар дўзахнинг қаърига

етаклайди. Яна бир маротаба огоҳлантираманки, Лутфинисонинг қилмишлари ҳақидаги гаплар шу ердан ташқари чиқмасин, деди саркор шайтон қатъий қилиб.

Барча шайтонлар ўринларидан гурра туришиб саркорга таъзим қилдилар ва “шу ерда қолади валенеъмат”, дейишди, ҳамда саркордан “ўтиринглар” ишорасини олгач, ўз ўринларига жойлашдилар. Муҳаббат бошлиқ гуруҳ ҳам Саркор шайтоннинг адолатли сўзларидан хурсанд бўлишиб, улар ҳам ўринларидан туриб, миннатдорлик изҳор қилишиб қайта жойларига ўтиришди. Саркор шайтон навбат кутиб ўтирган охириги оқпадарлик саркардасига қараб, унинг ҳикоя қилишига изн берди.

Оқпадарлик саркардаси ўрнидан туриб, саркор шайтонга таъзим қилди ва “жанобу пуштипаноҳ” дея ўз ҳикоясини бошлади.

ҲИКОЯТ

- Мен ҳам олдиндан шуни эслатиб қўйишим жоизки, бизнинг лашкарларимиз ҳам одамлар ўртасида ота-онага тик боқишга, уларнинг гапларини қайириб ташлаш, ҳузурларида “уф” тортиб, эътироз билдириш, сўров ва талабларига қулоқ солмаслик, қариган чоғларида парвариш, эҳтиром ва ҳурмат қилмаслик каби одамзотни ҳалокатга олиб боровчи иллатларга аллақачондан буён даъват қилмай қўйганмиз. Гарчанд, бу вазифани бажариш то қиёматгача бизнинг ихтиёримизга берилган бўлса ҳам, бизлар бу вазифани бажаришни бас қилганмиз. Чунки одамлар ўз ихтиёрлари билан ўнг томонга эмас, балки чап ёққа қараб югуриб кетмоқдалар. Бизлар уларнинг чангида қолиб кетдик. Натижада, кейинги замонларда бизларнинг бу борада жон куйдириб, тер тўкиб ишлашимизга ҳеч қандай ҳожат қолмади. Ҳозирги пайтда бутун ер юзидаги одамлар илм кучи билан бир-бирлари ўртасида сониянинг ичидаёқ бемалол мулоқот қилишадиган, дунёнинг бериги чеккасида туриб, нариги чеккасидаги бўлаётган воқеалардан воқиф бўлишадиган, ойнаи жаҳон орқали турли бузгунчиликларни кўриб, билиб турадиган бўлиб қолганлар. Улар эшитган ва кўрганларидан тўғри хулоса чиқармай, юқоридаги саркардалар айтганидек, бир-бирларининг маълум бир муддатгагина фойдали “олди ялтироқ, кети қалтироқ”, охири улкан ғам-аламларга олиб боровчи ёмон қусурларини кўриб, улардан ўрнак олмақдалар. Азизу мукаррам қилиб яратилган ота-онага ҳурмат-эътибор олдинги замонларга қараганда ҳозирги пайтда жуда ачинарли аҳволдадир. Ота-онасини хор қилаётганлар, уларнинг кексалиқдаги қийин ва оғир ҳаётларига лоқайд бўлаётганлар доно фикрларга қулоқ солмай “Сизнинг замонингиз ўтди. Унда шароит бошқа эди. Бизнинг замон бошқа. Бу насиҳатларингиз ҳозир бизга тўғри келмайди”, деб уларни камситаётганлар, ота-онани парвариш қилишдан бош тортиб, қариялар уйларига олиб бориб ташлаётганлар, ҳаттоки уларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлаётганлар жуда кўпайди, дея оқпадарлик саркардаси оғир тин олиб, яна гапида давом этди.

Баъзи бир кимсалар “ота-оналарингиз кофир бўлса ҳам, уларни ҳурмат қилиб, гапларига қулоқ солинглар!” деб фарзандларга буюради. Фақатгина, мабодо улар сизни куфр иш қилишга буюрсалар, қилманглар, аммо ўшанда ҳам ҳурматларини сақланг”, деб марҳамат қилади. Бу муборак каломларни сиз ҳам юқоридаги сўзларингизда эслатиб ўтдингиз. Бундай икки дунёда ҳам асқотадиган ҳукумларни ҳар бир фарзанд ўз қалбига муҳрлаб олиши шарт. Аммо, афсуски бундай бўлмаётир. Лак-лаклаб дунёдан ўтган ота-онанинг охирадаги ҳаётий дунёдан авлодлари юбориб турадиган, савоб аталмиш неъматлар дастурхони қуруқ қолмоқда. Натижада улар бошқа хеш-ақраболари томонидан ёдланаётган руҳлар олдида мулзам ва хижолат бўлмоқдалар ҳамда баъзилари жаннатга кириши учун етишмай қолган озгина савобни авлодларидан кутиб азият чекмоқдалар. Агарда вафот этиб кетган ота-оналарнинг фарзандлари солиҳ чиқса савобли, хайрли амалларни кўп қилишиб, одамлар ва Аллоҳнинг розилигига мушарраф бўлиб қолсалар, уларнинг ота-оналарига қилган дуоларини тангри қабул қилади ва у дуолар сабаб бўлиб уларнинг ота-оналарининг бу дунёда қилган гуноҳларини ҳам кечиб юбориб, уларни фирдавсга мушарраф қилиши мумкин. Яратганнинг ўз бандаларига меҳри беадад шавқати улуг, даргоҳи кенг.

Муҳтарам саркорим! Биз ўзимизни ҳадеб оқлайверсак ҳам инсофдан эмас. Аллоҳ таборак таоло ўз бандаларини синаб кўриш учун уларга барча тилаганларини - бойлик, амал ва улуг мартабалар беради. Сиз ўша одамларнинг қалбига кириб, уларни Аллоҳга бўлган эътиқод-имонларини синаб, нафсга, кибрга берилиб ҳидоят йўлидан адашадиларми ёки имонида собит қоладиларми? Ана шуларни аниқлаб, синашимизни вазифа қилиб бизга топширгансиз. Биз ўша сизнинг амрингизни бажариш учун одамларнинг қалбига кириб, уларнинг йўлларини чапга буришга оз-моз ҳаракат қиляпмиз холос. Бандаларнинг аксарияти осонгина қутқуларимизга бўйсун қолишяпти.

Ҳозирги пайтларда бой-бадавлат, зодагонлар орасида инсоф, адолат, эътиқод-имонлилари бармоқ билан саноқли қолаётир. Бу ҳолат фақат Раҳмонгагина эмас, биз шайтонларга ҳам маъқул эмас. Ҳозирги мен ҳикоя қилиб берадиган воқеада асло бизларнинг шериклигимиз ва хизматимиз йўқдир, дея ўз ҳикоясини давом эттирди оқпадарлик саркардаси.

Мусулмонлар яшаб, истиқомат қилаётган мамлакатнинг бир шахридан иккинчи шахрига борадиган йўлнинг беш-олти фарсах жойининг икки томони далалик, даштлик ва адирлик ерлардан иборат эди. Савдо қарвонлари, чорва подалари ва оддий одамлар ўз юмушлари билан ўша йўлдан тинчгина қатнаб, тирикчилик ўтказиб келардилар. Кейинги пайтларда одамлар орасида “ўша йўлнинг адирга яқин жойида ҳалигача одам зоти кўрмаган, эшитмаган бир даҳшатли махлуқ пайдо бўлиб, ўткинчиларга ҳужум қилиб, баъзиларини тутиб олиб еяётган эмиш... Аммо узоқдан уни кўриб қолишиб, унга нон ташлаганларга тегмаётган эмиш. Ундан ҳаттоки қуролли одамлар кўрқармиш. Чунки унинг афт-башараси шундай

вахимали, қўрқинчли эмишки, унга кўзи тушган одам ҳам қўрқувдан жони чиқиб кетиши мумкин эмиш. Шунинг учун ўша йўлдан бирор кимсанинг ўтишга юраги дов бермай қолган эмиш”, деган шов-шув, миш-мишлар кучайгандан кучайди. Ваҳимали гап-сўзлар оқибатида одамлар у йўлдан юрмай қўйишди. Натижада минглаб кишиларнинг савдо ва бошқа тирикчилик алоқалари тўхтаб, бундан кўпчилик катта зарар кўра бошлади.

- Сен ўзинг ўша махлуқни бориб кўрдингми? У қандай нарса экан? - деди Саркор шайтон оқ падар саркадасининг сўзини бўлиб.

- Бориб кўрдим, пуштипаноҳим... Ҳозир сизларга ҳам кўрсатаман, - деб оқ падар саркадаси қўйнидан думалоқ темирни олиб уни рўпарадаги деворга тўғрилаб, тарикдек тугмачасини босди. Деворнинг олов ранги қочиб, ёриша бошлади ва унда кўриниши ўта даҳшатли махлуқ пайдо бўлди. Бу ваҳимали нарсадан сесканиб, бутун вужуди титраб, кўзлари косасидан чиққудек олайиб саркор шайтон ўтирган тахтидан пастга тушди ва ташқарига олиб чиқадиган эшик томон кета бошлади. Атрофдаги барча шайтонлар ҳам Бақакўз бошчилигида ваҳима аралаш дув этиб ўринларидан туриб, эшикка қараб югуришиб, у ерда тирбанд бўлдилар. Шу пайт оқ падар саркардаси “тўхтанглар, кўрқманглар! У махлуқ аллақачон ўлдирилган. Сизлар унинг суратини кўряпсизлар холос”, деб бақирди.

Биринчи бўлиб саркор шайтон ўзига келди ва кўкрагига туф-туфлаб, жойига келиб ўтирди. Бошқалар аста-секин, қўрқа-писа келишиб ўз жойларини эгалладилар.

Оқпадар саркардаси мийиғида кулимсириб, ўчириб қўйган ҳалиги темирнинг тугмачасини босди. Деворда яна ўша даҳшатли махлуқ кўринди. Кўпчилик шайтонлар юрак ютиб унга тик қаролмай юзларини унга тескари бурдилар. Муҳаббат бошлиқ гуруҳ эса, аллақачон деворга орқа қилиб кўзларини юмиб олган эдилар.

Девордаги махлуқ ҳақиқатан ҳам жуда қўрқинчли кўринар, бошидаги сочлари ўсиб, елкаларидан қулоқлари оша ерга осилган. Пешона, юзи, томоғу кўкракларигача туклар босиб кетган. Бурнининг ости песга ўхшаб оқу, оғзини очганда юзларига хунук тиришлар пайдо бўлиб, қорайиб кетган тишларидан иккитаси оғзи ичкарасига қараб ўроқдек қайрилган. Оқ доғлар босиб кетган тиллар осилиб жирканч ва ваҳимали турарди. Ажабланадиган жойи шунда эдики, унинг белигача тук босган, бўлса, белидан пастки томони мутлақо туксиз, қўтирга ўхшар, баъзи жойларидан ҳатто, териси ҳам кўринмай, суяклар очилиб қолган эди.

Саркор шайтоннинг юзлари буришиб, кўнгли беҳузур бўлди шекилли, у ён-бу ёнга бир-икки туфлаб “бу исқирт махлуқ, ҳалиги, одамлар шер деб атайдиган ҳайвонга ўхшайди-ку?” деди девордан кўзини олиб оқ падар саркардасига қараркан.

- У ҳайвон эмас, муҳтарам зот! Ҳозир у ёғини айтиб бераман, - деб ўз ҳикоясида давом этди оқпадар саркардаси.

Бу гўрсўхта махлуқнинг турқидан, одамларга ҳужумидан кўрқишиб кимсалар ўзларининг зарурий ишлари билан ўша йўлдан ўтолмай безор бўлдилар. Ниҳоят улар ҳукумат идораларига арз қилдилар.

Беш нафар қаттиқ қуролланган миршаблар ўша махлуқни даф қилиш учун уни қидириб йўлга чиқдилар. “Мана улар”, деб оқпадар саркардаси деворга ишора қилди. Катта йўл, икки томони зот ҳам кўринмас дашти сахро, қум барханлари, адирликлардан иборат манзара кўринди. Беш нафар миршаб қуролларини шай қилган ҳолда атрофга аланг-жаланг, қурқа-писа назар ташлаб кетиб бормоқда эдилар. Онда-сонда юмронқозиқ, чўл каламуши, илон ва тошбақа каби махлуқлар кўзга ташланадию зумда қаёққадир ғойиб бўлишади.

Бир пайт миршаблар олдидан икки калтакесак шувиллаганича бир-бирларини қувиб ўтдилар. Миршаблар бир сесканиб олиб йўлларида давом этди. Қуёш ғазаб отига миниб, ўз жазирамаси билан ерни куйдириб юборишга чоғланган. У ғазаб билан ўз комидан бутун борлиққа олов пуркар эди. Миршаблар қўл соябонлари остида анча масофани босиб ўтиб, уч-тўрт газ чамаси баландлик қумтепа рўпарасига келганларида, тўсатдан тепа ортида ҳалиги даҳшатли махлуқнинг башараси кўринди. У тўппа-тўғри тўрт оёглаб эмас, одамларга ўхшаб, икки оёқлаб, гавдасини камалақдек эгиб, иккала қўлини миршаблар томонга чўзиб кела бошлади. Миршаблар соябонларини ерга ташлаб, қўлларига қурол олиб, унга тўғриладилар ва “тўхта, ёт, тўхта, ёт” деб бақира бошладилар. Махлуқ уларнинг дўқ-пўписаларига парво ҳам қилмай, гўдак боланикига ўхшаган ғалати овозлар чиқариб, улар томон бостириб келаверди. Миршаблар беш-ўн қадам орқага чекиниб яна дўқ урдилар. Фойдаси бўлмагач, улар осмонга қараб ўқ уздилар. Махлуқ таққа тўхтадию, шартта орқасига ўгирилиб қоча бошлади. Миршаблар унинг кетидан қува бошладилар. Махлуқ оёққа ботиб кетаётган қумлар, қовжираб-қуриб ўткирлашган тиканлар устидан ва тўп-тўп янтоқлар орасидан чаққонлик бидан югуриб борар, ҳар сонияда орқасига қараб, олайган кўзларини қисиб, миршабларга хунук овозда нималардир деб қичқирарди. Миршаблар уни кўздан йўқотмаслик учун йўлларда баъзан қумларга тойилиб, баъзан йиқилишиб уни таъқиб қилиб боришардилар.

Ниҳоят махлуқ қум барханлари оралаб бир пастликка туша бошлади. У жарлик ўтган замонларда “тетес” деб аталувчи уммоннинг туб ўзанларидан бири эди. Махлуқ ўзанининг ён деворида кўриниб турган оғзи улкан тандирникидек бўлган бир тешикка яқинлашди. Миршаблар сездики, у шу тешикка кириб ғойиб бўлиши аниқ. Шунда улардан бири махлуқнинг оёғини нишонга олиб, ўқ узди. Махлуқ даҳшатли чинқариб, ерга қулади. Бир оздан сўнг миршаблар унга яқинлашиб, синчиклаб қарадилар. У ҳақиқатан ҳам ваҳимали ва жирканч кўринар, афтидан шерга ўхшар эдию, елкасидан пастки томонлари одамникига ўхшар, аммо жуда хунук қўтир босиб, ириб, чиқиб, баъзи жойларида суяклари ҳам кўриниб қолган эди. Махлуқ ҳамон

ерда ётар, у ён-бу ён тўлғониб типирчилар ва миршабларга даҳшатли қараб қўлларини чўзиб интилар, ғайриинсоний овозлар чиқарарди.

Миршаблар унинг олдида боришдан ҳазар қилишди. Улардан бири ортга тез юриб кетди ва бирмунча фурсат ўтиб, улар уч киши бўлиб қайтиб келишди. Келганларнинг икки нафари шифокорлар эди. Улар ҳалиги махлуққа узоқдан синчиклаб тикилдилар ва каллаларини афсус билан қимирлатиб “У ҳайвон эмас, одам, юқумли ва бедаво мохов дардига учраган экан. Унинг олдида яқинлашиб бориб ҳам бўлмайди. Уни шу ернинг ўзидаёқ ёқиб ташлаш керак. Акс ҳолда, бунинг касали атрофга тарқалиб, минглаб одамлар ва жонзотларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин”, дейишди турган жойларидан яна орқароққа чекинишиб... Бир миршаб катта йўлга тўхтатиб қўйган машиналардан латтага мой чилаб келди ва уни узун ёғоч учига боғлаб ёқди ҳамда ҳалиги мохов одамнинг устига итқитиб юборди.

Ўт одам танасига туташиб, аланга қўтарилди. Миршаблар ва шифокорлар зудлик билан орқаларига қайтдилар. Уларнинг кетидан эса, жарликни ёриб юборгудек азобли ўкирик бутун даштни ларзага солди.

Оқпадарлик саркардаси қўлидаги думалоқ темирнинг тугмачасини босди. Девордаги манзара ғойиб бўлиб, девор яна оловранг чопонга ўралди. “У ҳайвон эмас, одам эканми?” ҳайрат билан кўзлари чақчайиб сўради. Саркор шайтон девор томонга эгилиб томоша қилаётган гавдасини кўтариб, оқпадар саркардасига қарар экан.

- Ҳа, муҳтарам саркорим. У одам эди.

- Қанақа одам? Нима сабабдан у шундай ёмон жирканч аҳволга тушиб қолди? - ажабланиб сўради саркор шайтон.

- У ота қарғиши ва яратган эгамнинг қаҳрига учраган осий бандадир, - деб жавоб қилди оқпадарлик саркардаси.

- Ундай бўлса, унга лак-лак лаънатлар бўлсин, - деди Саркор шайтон ғазаб билан. Барча шайтонлар ҳам “лаънатлар бўлсин, лаънатлар бўлсин”, деб унинг сўзини такрорладилар. Муҳаббат бошлиқ гуруҳ аъзолари ҳам деворга терс қараб ўтирган жойларидан ўнгланишиб, “у гофил ва муртад банда аллақачон жаҳаннам қаърида азоб топмоқда” дедилар.

- Хўш! Нима сабабдан у нобакор отасининг қарғишига учраганлигини ҳам айтиб бер, деди саркор шайтон ҳикоянинг давомига қизиқиб.

- Унинг исми Олим. Мен уни ёшлигидан биламан, ҳурматли валинеъмат! - дея ўз ҳикоясини давом эттирди оқпадарлик саркардаси. - Барчаларингизга маълумки, яқин ўтган замонда заминнинг кун ботар томонида Гитлер деган одамхўр кимса кутилмаганда мамлакат тахтига подшо бўлиб чиқиб қолди. У жуда шафқатсиз, очкўз ва миллатчи одам эди. Мамлакатнинг бойлиги, ҳудуди уни қониқтирмай, бошқа қўшни давлатларни, кейинчалик эса бутун ер юзини босиб олиб, жами жаҳонга ҳукмронлик қилишни хаёл қилиб, ўзгалар ерларига кўз олайтира бошлади ва тез орада, аслида, бир ота-онадан, яъни Одам ато Момо ҳаводан тарқалган ўз биродарлари бўлмиш одамларга қарши уруш бошлади. Лак-лак бегуноҳ, навқирон йигит-қизлар, каттаю-кичик эркаклар, аёллар қирилиб, минг-минг туман гўдаклар етим қола бошладилар.

Мусулмонлар юртидаги бир қишлоқда Салимжон исмли йигит билан Одинахон аталувчи қизнинг турмуш қурганларига бир ой ҳам бўлгани йўқ эди. Уруш деган аждаҳо Салимжоннинг ҳам домига тортди. У ўзига ёт бўлган юртларда бир йилдан зиёд вақт ичида одам ўлдираётганлар ичида юрди.

Кунларнинг бирида ажал панжаси унинг ҳам бир оёғини олиб кетди ва у касалхонада узоқ ётиб қолди. Шом палласи эди. Унинг олдида бир дўсти югуриб кириб, қувонч билан Салимжоннинг қўлига учбурчак хат тутқазди. Салимжон шоша-пиша хатни очиб, ётган жойида ўқиди. Унда ёзилишича, Салимжон ўғил фарзанд кўрган, унинг исмини Олимжон қўйишган эди. Салимжоннинг бегона юртларда қон кечиби, ҳар дақиқада ўлимни кутиб, хавф-хатар ичида чеккан машаққатлари, кесилган оёғининг кучли оғриқ азоби ҳам бир зумда йўқолиб роҳатга, қувончга айланди ва кўзларидан шодлик ёшлари отилиб чиқди.

“Тезроқ ўз юртимга борсам, ўғилгинамни бағримга босиб, юзлари, бурунчаю қулоқчаларидан тўйиб-тўйиб ўпиб эркаласам, уни ўқитиб, илмли, ҳунарли ва уй-жойли қилсам. Сўнг ўғилгинамнинг ҳурматини, меҳрини ва роҳатини кўриб оталик гаштини сурсам”, деган ширин орзулар Салимжонни чулғаб олган эди.

Икки ойлардан сўнг қишлоғига кириб келди. Қадрдон ҳамқишлоқларини, онаси ва қуйиб қўйгандек ўзига ўхшаган, ҳали чақалоқ ўғилчасини бағрига босиб ором олди. Икки-уч кундан кейин билдики, аҳвол бу ерда ҳам ўша уруш бўлаётган жойлардагидан яхши эмас экан.

У ерларда одамлар ажал ўқидан ўлаётган бўлсалар, бу ерларда эса очликдан, муҳтожликдан азоб чекиб, ўлаётган эдилар.

Салимжоннинг уйида ҳам бир пудча арпадан ҳеч вақо қолмабди. Мол, қўй, товуқларгача, ҳаттоки кигиз, кўрпа-тўшакларгача сотишиб, жонларини сақлашиб турган эканлар. Салимжонни қутлаб келувчилар оёғи бирмунча сепилиши биланоқ у жамоа идорасига чиқиб, қариб-мункайиб қолаётган оқсоқолдан бирор иш беришини сўради. Унинг сўрови ҳисобга олиниб, ўн беш нафар озиб-тўзиб, ранглари оқарган аёллар ва гавдалари чикалдакдек бўлиб, кўзлари киртайиб ичига ботаётган яна ўн беш нафар болаларни Салимжонга бириктириб, далада ишлашга тайин қилди. Энг ёмони шу эдики, далада тонг саҳардан то кун қоронғусига қадар ишлаб, режани бажарганларгина бир косадан суюқ атала ва туянинг кўзидек зоғора ёки арпа нон берилар, ишламаганларга эса шу ҳам йўқ эди. Ишлаб ўша атала ва нонга эга бўлганлар яроқсиз қари ота-она ҳамда болаларга ўзларига теккан емишдан бир қисмини бўлиб беришга ҳамда ўша қоринга юк бўлмайдиган тузсиз (у пайтда туз ҳам ўта камёб эди) аталага қаноат қилишга мажбур эдилар. Уруш бўлаётган жойларда

одамлар оғзида овқат туриб, кўз ўнгида ўлим бўлса, бу ерларда ўлим эсдан чиқиб, ноннинг сурати кетмас эди.

Қишлоқ аҳлининг ҳаммаси ҳам бир-биридан тўқ эмасдилар. Аёллар эски бўз рўмол, кўйлақларда, эркаклар эса ямоқ тушган шим, яхтақлару, ёғ босиб, ялтираб кетган яғир дўппиларда, ёш болалар яланғош, яланғоч, оёқланг, фақт калта-култа иштонларда озиб кетишганидан хивичдек юрардилар.

Салимжон гарчи бошлиқ бўлса-да, унга бир кишилик овқат тегарди холос. Шунинг учун у овқатнинг ярмини ўзи ичиб, қолган ярим косасини уйдаги қари онасига олиб бориб берарди. Хотини Одинахон бўлса қўлида гўдак боласи борлиги ҳамда ҳали унча қувватга кирмаганлиги сабабли ярим кишилик ишни аранг бажариб, ярим коса атала олар ва ўша билан қаноат қилиб, боласига сут ҳам етказиб берарди. Далада ишлашга қуввати етмайдиган одамлар очликдан айрим гиёҳларнинг томирларини қайнатиб ейишар, чайнашар (айрим ўтларнинг шираси чиқарди) – оқибатда, қоринлари шишиб ўлиб ҳам кетишарди.

Ўша пайтларда одамлар орасида “фалон шаҳарда ёки қишлоқда кўплаб одамлар кўчаларда нон, нон дейишиб, фарёд чекиб, йиғлаб, йўлларда думалашиб ётишарди. Очликдан ўлиб, қолганларни от, эшакараваларда саржиндек қилиб юклаб, кафансиз қабристонларга ташлаб келишяпти. “Самариска” ўғрилар кўпайиб, одамлар қўлидаги бир бурда зоғора ёки кепак нонни ҳам тортиб олишиб, балчиқли жойларнинг ўрталарига бориб, уни оғзига борица тиқиб юборишиб, чайнаб-чайнамай, бошларига муштлаб уриб, турсанг ҳам ютиб юборишяпти экан”, деган нохуш, аянчли хабарлар ҳар куни қишлоқ ва шаҳарларда изғиб юрарди. Ўша юртнинг очлигига қарамай бошқа юртлардан ҳам ҳар хил тоифадаги миллатларни олиб келишиб, ерли халқнинг ўзларига ҳам етишмаётган уйларига ўтқизиб қўйган эди. Улар элу-юртнинг қўлида қолган ярим тўғрам нонига ҳам шерик бўлишарди.

Бир куни ҳукумат одамлари учта юк мошинда чол, кампир аёллар, болалардан иборат бир гуруҳ еврейларни олиб келиб, пахта шийпони рўпарасидаги ўрикзорга тушириб кетишди. Уларнинг кўринишлари жуда хароб, очликдан ўта озиб, қолдан тойишган, рангларида қон асорати кўринмас, уст-бошлари ҳам эскириб, йиртиқ-ямоқ бўлиб кетган ва ўта тиррақи бўлиб қолганликлари учун жойидан қимирлашга, ҳаттоки гапиришга ҳам мажоллари қолмаган эди.

Уларнинг қорнини боқиш ҳам қишлоқ аҳлининг елкасига тушди. Уларнинг ғоят аянчли аҳволига раҳми келган одамларнинг қайси бири ярим коса атала, бир сиқим арпа ёки жўхори ва эски-туски кийимларни чиқариб беришар, қайси бирлари ўзлари қорни тўйиб бир нарса емаса-да, яхудийларнинг жонини сақлаб қолишга ҳаракат қилишиб қандайдир емак олиб чиқиб берардилар.

“Қўлдан берганга қуш тўймас” деганларидек уларга эҳсон қилинаётган озгина нарсалар уларнинг баъзиларига тегар, айримларига тегмас эди. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги очликка чидай олмай, илдиз кўкатларни чайнашар, курмакларни қайнатиб ейишар, кунжараларни чайнаб ютишарди. Натижада уларда ичқотиш (кабзият) пайдо бўлиб, бўшанишолмай дарахт шохларига осилишиб, аянчли овозлар чиқариб, азобланар, айримлари оғриққа чидаш беролмай жон таслим қилишарди.

Элу-юрт бошига тушган бу куя уларнинг жонини ғажиб, кундан-кунга ўз зулмини ошира борар, одамларни аёвсиз қирғин қилар, бу очлик балоси кутуриб, одамларга заррача раҳму-шафқат қилай демас эди. Баъзи кишилар бу муносабатларга шуқр қилсалар, баъзилари Аллоҳга нола қилиб, йиғлашиб, “Эй худо! Биз сенга нима гуноҳ қилган эдикки, сен бошимизга бундай кулфатларни соляпсан” дейишиб, афғон чекишарди. Аслида ташвишу, бу уқубат, қаҳатчилигу зулмларни одамлар бошига Аллоҳ эмас, одамларнинг ўзлари солаётган эдилар. Ул зоти ва баракот ўз бандаларига тариқча ҳам ёмонликни раво кўрмайди, ҳаётий дунёнинг мол-мулкига қул, амал, мансабпарастлик балосига тобе бандалар кутуриб кетишиб, бутун дунёни остин-устин қилаётган эдилар. Салимжоннинг ўғилчиси Олим ҳам олти-етти ойлик бўлиб қолгач, ярим коса аталадан ҳосил бўлаётган онасининг сутига тўймай, кечаю-кундуз ғишава қилиб йиғлар, кичкинагина қўлчаларини, оғизчаларини онасининг кўкрагига чўзиб йиғлар, сут жанжалини қилар, аммо она шўрлик етарли овқат емаганлиги учун боласининг қорнини тўйғизишга иложи йўқ эди. Эндиликда Салимжон далада икки кишилик иш қилишига тўғри келди. У бир қўлида қўлтиқтаёққа суяниб, иккинчи қўли билан, яъни бир қўллаб кетмон чопишни машқ қила бошлади. Дастлаб унга кўникиш жуда оғир бўлди. Кетмон зарбидан қўллари тезда толиб, қўлтиқтаёқ ишқалаган қўлтиқлари ачишиб кетар, шунда у ерга, жўяқларга ўтириб олиб чопар ва яна турар, ўтирар, кўкатларни, ёввойи ўтларни юлар, яна ўрнидан туриб, бир қўллаб кетмон чопарди. Салимжонга ўчашгандай офтоб ҳам унинг устига ўт сочар, баданларини куйдириб, миясини қайнатар, жазирама уни ўртантириб чанқатар, у бир оёқлаб ҳақкалаб бориб тут каллигига илиб қўйган идишдан томоғини ҳўллаб келиб, яна ишга ёпишар эди. Шунчалик меҳнат, машаққатлар билан эга бўлган бир коса аталани ўғли Олим учун, сути кўпайсин деб хотини Одинахонга берарди. Атала ичаверганлигидан кўкрак сути суюлганлиги таъсирида Олимнинг ичи ўтиб, истимаси кўтарилиб, инқиллаб қолса, Салимжоннинг юрагига ғашлик тушиб, ёруғ дунёси қоронғи бўлиб кетар, ташвишдан ўзини қўйгани жой тополмай қолар, кўзининг оқу-қораси, жигарбандини кўтариб тунни тун, кунни кун демай табибматтабиб, кинначима-кинначи қатнар, ўғилгинаси ўзига келиб кўзини очса, қувончи оламга сигмай худого шуқроналар айтарди. Олим атак-чечак йўлга кирганда, чучук тиллари билан дада, дада, деган пайтларда Салимжон асраб қўйган ёнғоқ, тутмайиз ва туршакларни болажонисини бошларидан сочиб кўча болаларига улашарди. Олим тўққиз-ўн ёшларга бориб жуда шўх ва тўполончи чиқди. У кўчадан бери келмай қолди. Шундай пайтларда Салимжон ўғлидан хавотирланиб “бирорта бола уриб қўймадимикин, йиқилиб-нетиб бирор жойи лат еб қолмасмикин?” деган хавотир ичида юрак чангаллаб ўтирар, унинг орқасидан чиқиб тез-тез хабар олиб турарди ...

Салимжон ўғлини еру кўкка ишонмас, қувончи бахти, ҳаётининг мазмуни деб Олимни тушунар ва унга бутун меҳрини, керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр эди.

Салимжон уруш пайтларда совуқ жойларда юриб, ўзини шамоллатиб қўйган экан. Шу сабабдан Олимдан бошқа фарзанд кўрмади, ишонган боғи, суянган тоғи, ёлғиз кўзининг оқу-қароси, танҳо Олим эди.

Уруш тугаганига ҳам анча йил ўтиб, элда осойишталик, арзончилик бўлиб, дала ишлари ҳам анча юришиб, меҳнат ҳақлари хийла кўпайиб қолган, одамларнинг қорни тўйиб овқат еб, кўнгилларига ёруғлик иниб, тағларига кигиз, шолча, кўрпа-тўшаклар тушадиган пайтлар бўлиб қолди.

Салимжон билан Одинахонлар саҳардан то шомгача меҳнат қилишиб, Салимжон эса баъзан кечалари далада қолиб, кўпроқ даромад қилишарди. Чунки ўғиллари Олимжонни ҳеч нарсадан камситмай, башанг кийинтириш, лаззатли таомлар едириб-ичириш; уни асраб-авайлаб вояга етказиб уйлаш, келинли, набирали бўлиб, орзу-ҳавас кўриш иштиёқи уларни янада кўпроқ ишлаб, даромад қилишга ундар эди. Бир йили, охирги ҳисоб-китоб натижаси кўрилганда жамоа ҳўжалиги томонидан Салимжон ва Одинахонларга яхшигина даромад пули чиқди. Салимжон хотини Одинахонга тилла билакузук олиб берди. Чунки у Одинахонга уйланаётган никоҳ куни, ундан кейин ҳам тузукроқ нарса олиб беролмаган эди.

Ўғли Олимга эса, ҳали қишлоқ болаларидан бирортаси ҳам кўрмаган, икки ғилдиракли темир арава - одамлар уни велосипед дейишади - олиб берди. Хуллас Салимжон ўзи емади, Олимга егизди. Ўзи киймади, ўғлига кийгизди. Уни ҳеч нарсадан камситмади. “Ой туғса ҳам, кун туғса ҳам Олимжон учун туғсин”, деб пўпалаб кафтида ўстирди. Йиллар ўтиб, Олим ўн саккиз ёшга тўлиб, вояга етди. Одинахон бошига тугунни қўйиб, ёнига икки кайвони кампирдан олиб, кўчама-кўча ва қишлоқма-қишлоқ юриб, келин қидиргани тушди. Ўнлаб дарвозаларнинг занжирини қоқди ва турумани чарчатди. Кўплаб қизларнинг ҳусни жамолини ва ахлоқ-одобини синчиклаб кузатди. Аждоду авлодини ва зотини сўраб-суриштирди. Бирининг қизи ёкса онаси, онаси ёкса отаси ёқмади. Баъзиларининг зоти маъқул тушмади. Элу-юртга дастурхон солиб, тўй-томошалар қилиб, келин тушириш завқ-шавқи билан юрган Салимжон хотинини шоштириб тезроқ келин топишга қистар, “унисини ундоқ, бунисини бундоқ, деявермай шартта биттасини ушла, лаллайиб юравермасдан” деб шошилтирар эди.

Ҳар куни кечки пайтларда Салимжон хотини иккаласи келин олиб, ўғил-қиз набиралар кўриш, қудалар уйларининг тўрисида ўтириш, келини тўшаб берган етти қават кўрпачалар устида ўтириш, ўғиллари Олимжон олиб келган ноз-неъматлардан тановул қилишиб, иззат-ҳурмат кўриб юришлари ҳақида ширин-ширин суҳбатлар қилишарди. Бу орзулар ушалиб, ўтмишда тортган азобларга, Олимжонни гўдакликдан тортиб то вояга етказгунларигача чеккан машаққатларига мукофот бўлишлигини ният қилардилар. Бир куни асрдан сўнг маҳалла болаларидан бири уларнинг ҳовлисига югуриб, ҳовлиқиб келиб, “молхонанинг орқасида Олимжон акамни тўртта ака уришяпти”, деб хабар берди.

Салимжон деворга суялиб турган қўлтиқтаёғини олиб, ёлғиз оёғига калишни ҳам киймай, шошганича молхона томонга югуриб кетди. Ростдан ҳам Олимжонни тўртта ўзи тенгқур йигитлар ерга ётқизиб олиб, тепкилаётган эдилар. Муштлашиш бўлаётган жойга биринчи бўлиб Одинахон етиб келди. У урушаётган болалар атрофида гир-гир айланар, “ҳай, ҳай, қуриб кетгурлар, боламни урма, уни қўйиб юборинглар. Қочинглар, болажонимни ўлдириб қўясанлар, вой дод! Ким бор, қутқаринглар”, деб болаларига илон ҳужум қилганда фарёд кўтариб, бўзлаб чуғурлаётган чумчуқдек додлади. Салимжон ҳам қўлтиқтаёқ ёрдамида сакраб-сакраб келиб, жон ҳолатда ўзини йигитлар орасига урди. Ўғлини қутқармоқчи бўлиб, уларни бир қўллаб у ён-бу ёнга итара бошлади. Аммо болалар ғазабдан қайтмадилар. Шунда чорасиз қолган Салимжон қўлтиқтаёқлардан бирини ишга солди. Бир вақт қаттиқ зарбдан ураётганлардан бирининг оғзи ва бурнидан қон кетди... Боши айланиб, кўзлари тиниб ерга йиқилди. Шундай бўлса ҳам у ўғлини асраб қолиш учун эмаклаб бориб, ўзини унинг устига ташлаб, унга қалқон бўлди.

Кўзларига қон тўлган йигитлар унинг елкалари ва белларига бирма-бир тепишиб, зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Салимжон кўзини очганида шифохонада эди. Унинг аъзойи бадани зирқираб оғрирди. Салимжон у ерда бир неча кун даволанди. Унинг калтак зарбидан ёрилган қашқа бўлган жойлари тузалди. Аммо ўн икки дона тўкилиб кетган олдинги тишлари жойига келмади.

Кейинчалик маълум бўлишича, Олимжон бояги йигитлардан бирининг синглисини йўлини тўсиб, унга тегажоглик қилган экан. Болалар уни шунинг учун таъзирини бериб қўймоқчи бўлишиб, дўппослашган эканлар. “Салимжон билан Одинахон тўйни яна ҳам тезлаштиришга тўғри келади. Акс ҳолда Олимжон яна бирор шўхлик қилиб қўйиб, бошига фалокат ошириб олиши аниқ”, деган хулосага келдилар. Лекин Салимжоннинг тишлари нима бўлади, тиш йўқ бўлса ҳам одамнинг оғзи туйнукдек очилиб, жағи бурнига теккудек бўлиб хунуклашиб қоларкан. У тиш солдирмаса асло иложи йўқ. Чунки энди куда тутинади. Улар олдида кўркароқ, салобатлироқ кўриниши керак. Аммо шунча тишни солдиришга пулни қаёқдан олади? Борки топганини тўй харажатлари учун сарфлаб қўйишган. Кейинги борди-келдилар учун сақланаётган пулларга тегиб бўлмайди. Унда тўй кечикиб, иш яна чигал тортиши мумкин. Ана шу ўйлар билан Салимжоннинг боши қотиб турган бир пайтда, хотини Одинахон унинг жонига малҳам бўлди. “Тўйдан кейин Олимжон иккаларингиз олиб берарсизлар, ҳозир шуни тақмасам, бирор жойим камайиб қолмас, мана дадаси, мана бунга тиш солдириб олинг”, деб Салимжон унга совға қилган тилла билакузукни эрининг қўлига тутқазди. Билакузук тишга айланиб, Салимжоннинг юзига кўрк бахш этди. Ниҳоят келин ҳам топилди. Қишлоқнинг олди бўлиб тўй базмлари ҳам ўтди. Аммо шуниси ачинарли эдики, тўйдан сўнг Олимжоннинг табиатида ота-онасига нисбатан салбий ўзгаришлар бўла бошлади. У Салимжон ва

Одинахонларга эътиборсиз, бепарво бўлиб улар билан кам гаплашадиган, бир дастурхон атрофида ўтирмайдиган, отасининг баъзи насиҳатларига қулоқ солмайдиган, ҳаттоки сўзини қайтариб, жеркиб таўлайдиган бўлиб қолди Бундан ота-она ташвишга тушиб қолдилар. Чунки ёлғиз фарзандларидан кексайган чоғларида не-не умидлар билан меҳрибонлик, ҳурмат ва эҳтиром кутган эдилар-да. Афсуски ундай бўлиб чиқмаяпти. Ўз хонадонларига катта қувонч ва фахр билан қиздек қабул қилган келин ҳам, қайнона, қайнотасига яхши муомалада бўлмас, бирор иш буюрсалар қулоқ солмай тескари қараб-кетар, уларнинг тағларига юмшоқ кўрпачалар солиш у ёқда турсин, ҳатто салом ҳам бермай, чой, таомларидан хабар ҳам олмас эди.

Одинахон келинини бир-икки койиган бўлиб, ўзига бўлмаса ҳам қайнотасига эътибор бериб, унинг иссиқ-совуғига қараб, дуосини олишини, шунда, улар ҳам униб-ўсишини ва келажақда бу яхшиликлари фарзандларидан қайтишини айтиб насиҳат қилган бўлди. Аммо, фойдаси бўлмади. Аксинча ўғли Олимжон “дадамга сиз ўзингиз қарайверинг, куч-қувватингиз бор, қўл-оёғингиз соппа-соғ, бу болаларга қарайдими, сизларга малайлик қиладими? Қайси бирига улгуради. Ахир, у ҳам одам, жони темирдан эмас-ку”, деб жеркиб беради. Шу-шу Одинахон ҳам, Салимжон ҳам аламларини ичларига ютиб, ўз ёғларига ўзлари қовурилиб юраверишарди. Бирор кимсага арз қилиб, юракларга тўлиб кетган дардларини тўкиб олайлик десалар, уят. Улар бу бедаво дардга малҳам бўлармиди, аксига маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар орасида ҳар хил нохуш миш-миш тарқалиб, эрмак бўлишади. Ўғли ва оиласининг шаънига доғ тушиши мумкин. Ҳар қанча дард-алам бўлса ҳам ўзлари ичларига ютгани маъқул. Фарзандлари обрўсига путур етмаса бас, дейишиб изтиробларини ташқарига чиқармай, тўплаб юравердилар. Орадан бир неча йиллар ана шундай тарзда ўтди.

Бир вақтлар Одинахон қаттиқ оғриб, ётиб қолди. Шифокорлар унинг ўпкаси касалланганлигини айтди, бир-икки бор шифохоналарда даволанди. У бутунлай мусаффо бўлиб, соғайиб кетавермагач, уни узокроқ шаҳар шифохонасида даволаш кераклигини айтишди. Аммо бунга Олимжон қўнмади. Дадасининг ҳам илтимос қилиб ялинишларига қулоқ солмади. “Бўлди, даволангани етар, тоза қаратдик. Энди бу ёғи Худодан. Ўзи тузалиб қолади”, деб қайсарлик қилиб олди. Кексайиб қолган бечора Салимжоннинг қўлидан ҳеч бир иш келмади. Касаллик ўз кучуни кўрсатди, у зўрайиб бориб, ажалга айланди ва Одинахоннинг жонига ҳужум қила бошлади. Ҳаётнинг муқаррар душмани, ўлим билан курашда Одинахоннинг танҳо ўзи қолган эди.

Тўғри, Аллоҳ розилиги билан бир ёстиққа бош қўйган, хаста дилига дармон бўлгувчи, ҳамдарди ва ҳамроҳи Салимжон бор, лекин у ҳам кейинги пайтларда кучдан кетиб, тез-тез оғриб турадиган бўлиб қолган. Кўзлари анча хиралашиб, ҳовлидан кўчага жуда кам чиқарди. Шу сабабдан оилани бошқариш тўлиғича Олимжоннинг ихтиёрига ўтиб қолган эди.

Тўққиз ой заҳматларга чидаш бериб, қорнида кўтариб юрган, тўлғоқнинг аччиқ азобларини ичига ютган, боласи соғлом ўсиши учун меҳнат қилиб жазирамаларда ҳолсизликдан дала уватларида чўзилиб қолган, унинг тинч ва осуда ором олиши учун кечалари ухламай бешик устида тонг оттирган, ўғилгинасининг танаси оғриси, Одинахоннинг жони оғриган, бутун соғлиги ва умрини Олимжонга фидо қилган бўлсаю, эндиликда вақти келиб ажал унинг жонига чанг солаётган пайтда бирдан-бир умид чироғи Олимжон уни ўлим ихтиёрига ташлаб, ажал билан курашда уни ёлғиз қолдирса. Ҳаттоки, юпатувчи сўзлар билан бўлса-да дардига малҳам қўймаса. Толиққан юрагига мадор бўлмаса, жуда алам қилар экан. Бу қаттол андуҳни юрагидан чиқариб ташлашнинг чораси йўқ. Чунки у ғурбат бу дунёда сиғмай, оғриқлик қалбингда қолиб, сени кемиравераркан. Шуларни ўйлаб, Одинахоннинг дарди янада кучаяр, азроил қўлидаги заҳарли ханжар билан унинг юрагини нишонга олиб тобора яқинлашиб келарди. Ниҳоят Одинахоннинг қазо соати етди. Ўлим сиртмоғи уни дорилфанодан дорилбақога судраб кетди. Унинг маърака-маросимлари ҳам жуда ғариб ўтказилди.

Салимжон ўғлига ялиниб “Онани шўрлик бу дунёдан роҳат, рўшнолик кўрмай ўтди, ҳеч бўлмаса унинг орқасидан савоб дастурхонини тузукроқ юборайлик. Элни дуоси мустажоб бўлади деб эшитганман”, дея қилган илтижоларига Олимжон қулоқ солмади.

“Ўлим банданинг бошида бор нарса. Онам ўлди, кетди, энди биз унинг орқасидан қанча йиғласак ва қанча эҳсон қилсак ҳам, у билмайди-ку. Сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмагандан кейин, жим ўтираверинг”, деб дўқ урди Олимжон отасига. Бу онкўрлик ва бедорликдан Салимжоннинг кўз-ёшлари кўксини, тиззаларини илитар ҳамда қалбида қон томгувчи яралар пайдо қиларди. Бу битмас яралар азоби ичида Салимжон Одинахоннинг қирқини ҳам ўтказди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб келгувчиларнинг ҳам оёғи тинди. Унинг ўзи ёлғиз ўтирган уйга йўқлаб киргувчилар бўлмай қолди. Фақатгина набираси Қахрамон унинг чой, нонидан хабар олиб, ярим коса овқат олиб кириб турарди холос. Бир ҳовлида яшашларига қарамай, ўғли Олимжон ҳафта, ўн кунларда бир маротаба эшик остонасида тик туриб “зерикмай ётибсизми? Болалар хабар олишиб турибдими?” деб икки оғиз сўз айтарди-да, орқасига қайтарди.

Ёлғизликдаги дардқаши, меҳрибони Одинахон борлигида унга билинмаган экан. Катта хонада, айниқса, кечалари жим-житлик уни тутиб ейман дейди... Авваллари ўғлининг бир оғиз ширин сўзига зор бўлиб ўтирган бўлса, эндиликда хотинининг дийдори, суҳбат урамчорликлари интизор бўлиб, бир дардига иккинчи дард қўшилиб, кечаларини ҳам беором ўтказадиган бўлиб қолди. Ёлғизлик, бир оғиз кўнглини кўтарувчи сўзга муҳтожлик Салимжонни илон-чаёнларга айланиб, қалбини тинмай чақишар, бағрини илматешик қилишарди. Бу диққатчилик Салимжоннинг юрагига ўз зардобини қуйиб, уни тўлдириб, шишириб борарди, уни бўшатиш учун узун-узун ўтли оҳ тортиб, энгилламоқчи бўлар, аммо у оҳлар кўпайишиб, унинг

қалбига қайтиб кирарди. Салимжон бир куни ўғли Олимжонни олдиға чақириб “Ўғлим вақтинг бўлса мени бир-икки қариндошларникига олиб бориб келсанг. Уларни жуда кўргим келди. Одамнинг тафтини одам олади деган гаплар ҳақиқат экан. Ёлғиз ўтириб бу ҳикматнинг мағзини чақдим. Ундан кейин, ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Ҳар хил касалликлар атрофимда айланишиб, нариги дунёдан хабар беришяпти. Биз ҳам омонат бўлиб қолдик. Ҳар дақиқамиз бу дунёга меҳмон бўлиб қолди. Шунинг учун, илгариги кўрган жойларимни зиёрат қилиб, уларнинг рози-ризоликларини олиб келай”, деди ялинчоқ оҳангда.

“Бўпти, икки-уч зарур ишларим бор. Шуни қилиб олай, ундан кейин олиб бориб келаман”, деди хушламайгина совуқлик билан Олимжон. Орадан бир ҳафта, ўн кун ўтди ҳамки, Олимжондан садо чиқмади. Салимжон муштоқлик билан унинг оғзини пойлади. Ундан дарак чиқавермагач, яна уни олдиға чақириб ҳалиги сўровини такрорлади.

“Дада, сиз бекорчи одамсиз, менинг ўзимга яраша ишларим бошимдан ошиб ётибди. Сизни қишлоқма-қишлоқ қариндошлариникига ташиб ва қанча пул, мол сарф қилиб, айлантириб юргани вақтим йўқ. Керак бўлса ўзлари келиб, сизни кўриб кетишсин. У деб, бу деб ғишава қилавермай тек ўтиринг”, деди кўрслик билан Олим.

Салимжоннинг усиз ҳам куйиб-ёниб турган қалбига бир челақ муздек сув қуйилгандек бўлди. Юраги санчиб, бошига оғриқ кирди. Аммо, ўғлига бир оғиз ҳам лом-мим демади. Олимжон чиқиб кетгач, Салимжоннинг кўкрагига нимадир тиқилди. Хўрлиги келиб, унсиз йиғлади ва “агарда мана бу ёлғиз оёғим ҳам оғриб, қувватсизланиб қолмаганда эди, бир оёқлаб бўлса ҳам ўзим бориб жигарларимни зиёрат қилиб, ёшлигимизда юрган кўчаларни, анҳору ариқча, дала-даштларни томоша қилиб, юрагимнинг ҳовурини, дардимни енгиллаштириб келардим. Оёқларим ишламай қолгани устига кейинги пайтларда кўзларим ҳам тобора хиралашиб бормоқда. Бу дард устига чипқондир. “Қарилик - бедаво энг оғир дард” деб бекорга айтишмаган экан азизларимиз. Аммо, бошқаларга сенинг нафинг тегмай қолса, ҳаттоки ўз пуштингдан бўлганлар ҳам сендан қочаркан. Уларнинг кўзига тиндирмай қўшга солиб, ишлатавериб, ҳолдан тойиб, ҳеч нарсага ярамай қолган яғир отдек хунук кўриниб, ортиқча матоҳдек бўлиб қоларкансан киши. Бу қандай номард дунё бўлдики, у келарингда қувонч билан бағрини очиб кутиб олди. Ўзининг жозибаси, гўзаллиги, жилоси ва мафтункорлиги билан алдаб ўзига шайдо қилиб оладию, кейин субутсизларча ўзининг чиғириғига солиб айлантираверади. У сенга бир томчигина меҳр бериб, бошингга ботмонлаб қаҳр юборади. Билмадим, бундан фалакнинг мақсади нима экан? Агарда бу синов бўлса, ҳар бир банданинг феъл-атвори, тақдири азалдан пешонага битилган дейишади-ку? Ўша ёзиқларни бошингдан кечиришга мажбур экансан, унда синов имтиҳонига на ҳожат”, деб ўйлаб Салимжон ўйининг охирига етолмас, боши ғовлаб, кўзларининг олдида ўйи зарра учқунлари мисоли қордек ёғиларди. Орадан бир ҳафталар чамаси ўтгач, отасининг олдиға Олимжоннинг ўзи кириб келди. Нимагадир бу гал унинг чехраси очиқ, сўзлари ҳам ширин эди. У меҳрибонлик билан Салимжоннинг ёнига келиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўради. Қийинчиликлар борлигини суриштирди ва шу кунларда қишлоқларга обориб қариндошларини йўқлаб келишларини айтди. Бундай кутилмаган меҳрибонлик ва хушмуомаладан Салимжоннинг зулмат қоплаган кўнглида офтоб чарақлагандай бўлди. Ичида худога шукроналар айтиб, ўғлини дуо қилди. Бироздан сўнг Олимжоннинг кетидан Салимжон суюб танаввул қиладиган манти кўтариб келини қуюқ салом билан кириб келди. Улар чақ-чақлашиб ўтириб, бирга овқатландилар. Салимжон бир қанча вақтлардан буён бундай иштаҳа билан овқат емаган, ўзини ҳозиргидек бахтиёр сезмаган эди. Аммо афсуски Салимжонга ёд бўлиб кетган қувонч ва бахтиёрлик узоққа чўзилмади. Дастурхонга дуо қилиниб, келини чиқиб кетгач, Олимжон босиқлик ва мулойимлик билан гап бошлади. “Дада! Сиз билан бир маслаҳатли иш бор эди. Биласиз. Болалар кўпайишиб, олди йигирма ёшдан ўтди. Ҳаммасини бир жойга қамаб қўйсак, бир-бирлари билан урушиб, безор қилишяпти. Уларни ажратмасак бўлмайди шекилли. Шунинг учун ҳовли четидаги уйни бўшатиб, супуриб-сидириб покиза қилиб қўйдик. Маслаҳат шуки, сизни ўша жойга кўчириб, болаларни шу уйга жойлаштирсак деган эдим”, деб Олимжон савол назари билан отасига қаради.

Салимжоннинг миясига “бу хушомадлар бекорга эмас экан-да? Қайданам Худо Олимга инсоф бериб, у менга меҳрибонлик қиляпти дедим-а?” деган нохушлик қамчи туширди. Салимжон бир оз ўйланиб турди.

- Гапларинг тўғри, уларни алоҳида қилиш керак. Дарвозанинг бериғи ёғида яна уч хона уй бор-ку? Ўшаларга кўчириб қўя қолинглар, деди оғирлик билан.

- Улар ҳам банд, ҳар-хил ашқал-дашқаллар билан тўлиб кетган. Оёқ қўйгани жой йўқ, деди Олим дадасининг сўзини кесиб.

- Менга мўлжалланган уйларинг ўтин-чўп сақланадиган оғилхона-ку? - деди Салимжон яна босиқлик билан.

- Ўтинларни томга чиқариб ташладиқ.

- Бўлмаса, болаларни ўша жойга кўчириб қўяқолинглар...

- Бўлмайди, аввало, у хонага болалар сиғишмайди, қолаверса, у ҳовли этагида бўлганлиги учун хилват. Болалар қўрқишади, - деди Олимжон овозини кўтариб, - гапни кўп чўзманг дегандай эътирозли оҳангда.

- Ўғлим! Бу жой менга табаррук уй бўлиб қолган, чунки онанг билан бирга ўттиз беш йил мана шу уйда яшадик, мен унинг руҳи билан гаплашиб, девор эшикларига ўрнашиб қолган онангнинг ҳидларини ҳис қилиб ётаман. Қўй болам! Мени бу ердан айирма, - дея Салимжон кўзларига ёш олди.

- Мунча ҳам қайсарсиз дада, бу уйга келган онамининг арвоҳи ана икки қадам нари холос. Ўша жойга ҳам бораверади. Бошқа иложи йўқ, эртадан бошлаб сиз ўша уйга кўчасиз, гап тамом, - деди-да Олимжон аччиғи билан ўрнидан туриб, ташқари чиқиб кетди.

Ўша куни Салимжон дилозор ўғлининг дастидан юраклари эзилиб, тонггача мижжа қоқмади. Сахар палласида кўзлари жиндек илинган экан, тушига хотини Одинахон кирибди. У қирқ ёшга кирганда Салимжон унга бир кийимлик хонатлас ва кўкқарға шойидан рўмол совға қилган эди. Одинахон эғнига ўша кўйлакни кийиб, бошига ҳалиги рўмолни солиб, оқ оралаган сочларини икки ўрим қилиб орқага ташлаб олган ҳолда, одатдагидек мийиғида табассум билан эшикдан кириб келди ва Салимжоннинг ёғинасига ўтириб, “қўйинг дадаси кўп хафа бўлаверманг. Соғлигингизни, жонингизни асранг. Ўғлимизни феълини биласиз-ку? Ўзи шунақа. Ёлғизимизни жуда пўпалаб, эркалатиб ўстирганмиз-да, айтгани айтган, дегани деган, қайтармасдан, сазаси ўлмасин деб эҳтиёт қилганмиз. Энди уни эркаликларига чидаймиз-да. Бошга тушгани кўз кўрар дейишади. Биз ҳам кўрмай иложимиз йўқ. Пешонамизга ёзилгани шу экан. Ёлғизимизнинг аччиқ-тирсикларига чидашдан бошқа иложимиз йўқ.

Қаранг! Ҳа деб ғам чекавериб, озиб-тўзиб кетибсиз. Кўп ташвишланиб қийналаверманг. Худойимнинг бизга ҳам атаб қўйган фароғатли кунлари бордир. Сабр қилинг, сиздан илтимосим шуки, Олимжонни қарғаманг. Мен ҳозир сизга аччиққина чой дамлаб келаман”, дея Одинахон ўрнидан туриб, эшик томон юра бошлади. Салимжон у томон интилиб, қўлларини чўзиб “тўхта! тўхта! бир озгина ёнимда ўтир, гаплашайлик. Юракларим қонга тўлди, тўхта, тўхта” дермишу ўрнидан қўзғалолмасмиш. Одинахон Салимжонни нолишларига қулоқ солмай чиқиб кетармиш. Салимжон уйғониб кетганда тонг ёришган, аммо ҳавонинг авзойи бузуқ эди. У ўрнидан аста туриб таҳорат олди ва хотинининг руҳи ҳақиқа тиловат қилди, ҳамда бу дунёда кўрмаган роҳатини Одинахонга у дунёда кўрсатишини Аллоҳдан тилаб дуо қилди. Хотинининг меҳрибон, ғамхўрликларини эслаб пинҳона йиғлаб ҳам олди. Ўша куни Олимнинг хоҳиши амалга оширилди. Салимжон ҳовли этагидаги оғилхонага кўчирилди. Ўтин-чўп, мол тезаклари сақланган хонадаги бурга ва тахта каналар кечга бориб Салимжонга ҳужум бошладилар. Эрталабгача улар билан олишиб чиққан Салимжоннинг аъзои бадани қичишиб, майда тошмалар билан тўлиб кетди. Бу азоб Салимжон учун ўлганнинг устига чиқиб, тепган бўлди. Салимжон бурга ва каналарнинг азобига чидаш беришнинг иложи қолмагач, ўғли Олимжонга арз қилди. “Озгина сабр қилиб туринг. Бургадори топиб келиб сепворамиз”, деди бепарволик билан Олим. Бургадори топилиши ҳафтагача чўзилди. Бу орада Салимжоннинг баданидаги тошмалар яраларга айланиб, йиринглай бошлади. Эндиликда Салимжоннинг юрак дардларига тана дардлари ҳам қўшилиб уни беаёв азоблай бошлади. Унинг устига дардкаш азизаси Одинахон билан бир умрга яшаган уйдан ажратиб юборилгани, бу жойга кўниқолмаётгани, хотинининг руҳи, ҳидлари ҳам сезилмай гўё улардан ҳам маҳрум бўлиб қолгандай туюлиши Салимжонга тинчлик бермасди, қалби ва вужудини қийма-қийма қиларди.

Бир неча маротаба ўғлига ялиниб-ёлвориб, йиғлаб “мени ўз уйимга кўчириб қўйгин жон болам. Мен бу ерда бурга-битларга ем бўляпман. Онангни руҳи мени олдимга келмай қўйди. Бунақада мен тез орада тамом бўламан. Умрингдан барака топкур. Илоҳим бола-чақаларингни орзу-ҳавасини кўргин”, деб қилган илтижолари жавобсиз қолди. Аксинча “бир ўзингиз шунча катта хонага сиғмаяпсизми? Қариб, чириб қолган бўлсангиз. Энди сизга кошона уйларнинг нима кераги бор. Ёки уйлангингиз келяптими? Ҳадеб инжиқлик қилавермай, жимгина ётсангиз бўлмайдими? Ҳаммани безор қилиб, томоғини тагига келтириб юбордингиз-ку” деган дилларни вайрон қилувчи сўзлар билан Олимжон отасига дакки берди. Бу узлуксиз, устма-уст хорликлар, қийноқ ва азоблар Салимжонни ҳар томондан ўраб келиб, ўз исканжасида тобора сиқиб борар, дардини кундан-кунга кучайтириб, ҳолдан тойдириб борарди.

Эндиликда унинг кўзлари ҳам батамом нурдан қолди. Унинг ўзини-ўзи бошқариши ўта қийинлашди. Уйнинг ҳавоси бузилиб, пашшалар, чивинлар маконига айланди. Шўрлик Салимжоннинг дуррадан солинган дастурхонига чойнак ва косада овқатни дўқ эткизиб қўйишиб, шоша-пиша чиқиб кетардилар. Аммо, уйни тозалаб, супуриб-сидириб, ҳавосини янгилаб бериш хаёлларига ҳам келмасди.

Бояқиш Салимжон бемисл азобларга бардоши қолмай “Эй худо! Жонимни олишинг бунча ҳам қийин бўлди? Мен ота-онамининг кўзларига ҳатто тик қарамаган эдим-ку, уларнинг ҳурмат-иззатларини жойига қўйиб, дуоларини олган эдим-ку... Ўғлим Олимжонни эса жонимдан ҳам зиёда асраб-авайлаган эдим. Бу азоблар менга қайси қилган гуноҳларим учун бошимга тушяпти. Бировлар ҳақиқа хиёнат қилмай, ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол еб ўтган эдим-ку. Мен бир ожиз ва осий бандаман, ўзим билиб-билмай қилган гуноҳларим бордир. Бу хўрлик ва азоблардан кўра жонимни тезроқ олиб қўяқолсанг сендан рози бўламан”, деб Яратганга нола қилиб, йиғларди. Кунларнинг бирида унинг эсига хотини тушиб, ярим кечада у билан яшаган уйга, унинг ҳидини ҳидлаш ва ғойибона руҳи билан гаплашиш ниятида Салимжон эмаклаб бўлса-да борди. Эшик ичкаридан берк эди, итарди, очилмади. Сўнг хаста овозда набираларининг исмини айтиб чақирди. Улардан дарак бўлмагач, бор кучини тўплаб, эшикни тақиллата бошлади. Бир вақт эшик очилиб, кимдир кўринди ва “вой-дод алвасти, ажина”, деб қичқира бошлади. Бошқа болалар ғам уйғонишиб, унга жўр бўлиб додлай бошладилар. Ярим-яланғоч гузуриб чиққан Олимжон эшик остонасига бош қўйиб, ҳолсиз ётган дадасига кўзи тушди, ғазаби қайнаб, Салимжонни даст кўтарди-да, уни олиб бориб оғилхона эшигидан ичкарига итқитиб юборди.

Салимжон анчадан кейин ўзига келди. Унинг юзлари, боши қаттиқ оғрир, юзтубан тушганлиги учун бурнидан қон оқарди. У аламига чидолмай “мендан ҳам баттар хор-зор бўлиб ўлгин”, деб ўғли Олимни қарғаб юборди.

Салимжон шу-шу ўрнидан қимирлай олмади. У икки кун мобайнида туз ҳам тотмади. Унинг ўғли Олим бундан хабардор бўлиб, хотинига “Энди дадамнинг куни битибди шекилли, анави у ётган уйни тозалаб эпакага келтириб қўй, тагин одамлар кўриб бизни айбдор қилиб юрмасин. Мен домла-имомни айтиб келаман, улар умри тугаб қолган одамни рангидан аниқ билишади. Кўрсин-чи, нима деркин”, деб кўчага чиқиб кетди. Оқпадарлик саркардаси ҳикоясини бирдан тўхтатиб, қўйнидан яна ўша жимжилоқдек темирчани олиб, деворга тўғрилади. Девор оқариб, унда Салимжоннинг ҳовлиси ва этакдаги уйга кириб кетаётган бири салла, чопонли, иккинчиси оддий кийимдаги кишилар кўринди. Саркарда яна ҳикоя қила бошлади “анави олдиндагиси Олим, Салимжоннинг ўғли, кейинги саллалари киши маҳалла масжидининг имоми, Абдуҳолиқ қори”, деб таништирди ва манзарани намойиш этишни давом эттирди. Девордаги кўринаётган одамлар бирин-кетин боришиб, шифтга қараб чалқанча ётган, кўзлари юмуқ, юзлари докадек оқариб кетган, ўта озгин Салимжоннинг ёнига бориб ўтирдилар ва тилга кирдилар.

- Ҳай, ҳай, ҳа-а-й! Отангиз жуда қийналиб қолибдилару, - деди-да, унга шифо тилаб, дуо қилди ва Олимга “тезда исирик, озгина чой, бир чимдим туз келтиринг”, деб буюрди. Абдуҳолиқ қори айтилган нарсалар ҳозир қилинган, “Ёсин” сурасини ўқиб, Салимжонга дам сола бошлади, аммо сура яримламаёқ Салимжон хаста овоз билан аранг инқилаб, бир тўлғондию, жим бўлиб қолди. Абдуҳолиқ қори дам солишни тўхтатиб, “Олимжон ука, дадангиз бандаликни бажо келтирдилар, у кишининг жони узилиб дорилбақога риҳлат қилдилар. Сизга Аллоҳ таоло сабру қаноат, сабру-жамил ато этсин. Бу банди мўминнинг охиратдаги савол-жавобларини осон қилиб яратган эгам ўз раҳматига муяссар қилсин. Энди ука, майитни эртага пешинга қолмай ўз жойига олиб бориб қўямиз. Чунки ҳозир вақт шомга яқинлашиб қолди. Бугун улгурмаймиз, сизлар қариндош-уруғ, яқинларингизга хабар етказиб, тайёргарлик кўраверинглар. Энди менга рухсат, шомдан кеч қолмай масжидга етиб олишим керак”, деб домла жойдан кўзгалмоқчи бўлган эди, Олимжон унга қўл ишораси билан “тақсир бир оз сабр қилинг, сизга маслаҳатли ишим бор”, деди бироз ийманиб, дудуқланиб.

“Майли, майли бемалол. Қани эшитайлик-чи”, деди домла Олимнинг оғзига тикилиб. Олим бир зум тараддудланиб, жим қолди ва “дадамиз бизга жуда қадрдон эдилар, элу юрт олдида ҳам обрўси, ҳурмати баланд эди, шунинг учун бу кишининг фотиҳасига жуда кўп одамлар келишади. Бир йилгача ис чиқариб, ҳақларига эҳсонлар қилишга тўғри келади. Сизга маълумки, мен ҳам қўли юпқа, жўжабирдек жонман, ҳозирда қўлимда ҳеч нарса йўқ, шунинг учун илтимос шуки, кўзингиз тушган бўлса керак, дадамизнинг оғзида 12 дона тоза тилла тиши бор... Шуни олишда менга ёрдам берсангиз”, деди Олим муғомбирдик билан.

- Ҳай, Ҳай, ҳай! Мени бу куфр ишга асло бошланг, бу ишингиз Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам маъқул эмас, Олимжон ука. Бу ниятингиздан қайтинг, - деди домла ҳайратланиб.

- Тақсир, у тилла дадамизга нариги дунёда керак бўлмайди-ку. Барибир тупроққа аралашиб кетиб, исроф бўлади, деди Олим ҳам безбетлик билан.

- Йўқ, йўқ! Нима бўлса бўлар, мен бу ғайриисломий ҳам инсоний ишни асло қилмайман. Сизга ҳам бу гуноҳ ишни қилмасликни маслаҳат бераман. Қани, менга дуо, шомга кечикяпман, - деб домла ғазабини ичига ютиб, қалтираб ташқарига чиқди.

Вақт хуфтондан ўтиб, болалар уйкуга кетгач, Олим дадасининг жасади ётган уйга кирди. Унинг юзига ташлаб қўйилган оқ матони олиб ташлади ва мурданинг жағи танғиб қўйилган дуррани ечиб, унинг оғзини очиб қўлидаги омбир билан тилла тишларини суғурмоқчи бўлди, аммо оғизни очолмади. Чунки Салимжоннинг танаси музлаб, жағ суякларига қотиб қолган эди. Олим анча уринди. Иложи бўлмагач, ҳовлига чиқиб теша кўтариб кирди ва унинг орқа томони билан отасининг пастки жағига урди.

Шу пайт Саркор шайтон ғазаб билан тахтидан тушиб, “тўхтат, аблаҳ! Йўқотгин кўзимдан бу дўзахи муртадни! Ҳамманг йўқол кўзимдан, даф бўлинглар”, деб қичқирди. Хонада ўтирган муҳаббат бошлиқ эзгулик эгалари ҳам у жойни тарк этдилар.

Саркор шайтоннинг жаҳли чиққанидан кўзлари олов сочиб, афти башараси даҳшатли тусга кирган эди. Уларнинг суҳбатини бир чеккада деворга суяниб эшитиб турган мен ҳам қўрқувидан қочмоқчи бўлдим. Лекин оёқларим қотиб қолганга ўхшаб ўз жойидан қимир этмасди. Шу пайт миямга “Шайтон мени кўрмайди-ку”, деган хаёл келиб ўзимни босдим. Барибир юрагим хавфдан холи эмас эди.

Саркор шайтоннинг аччиғи фалакни зирқиратиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади ва ўзига ўзи гапира кетди. “Наҳотки, одамлар шунчалик йўлдан оғиб кетган бўлсалар... Разолат, жаҳолат ва ёвузликни ўзларига дўст тутиб, адолат, раҳму шафқат, ҳалол поклик ва буюк неъмат бўлган имонни қалбларидан қувиб чиқариб ташлаган бўлсалар. Нафс, молу-дунё ва мансабпарастлик каби балоларга, яъни катта душманга таслим бўлиб, унга қўлдек хизмат қилсалар. Бир-бирларига хиёнат қилиб, бир-бирларини ноҳақ ўлдирсалар, чопсалар. Бир-бирларининг устида игво, фисқу-фасод юргизиб, Аллоҳнинг уйи бўлмиш дилларга тош отиб уни вайрон қилсалар. Бу асло чидаб бўлмайдиган залолатдир. Билмадим, бундай осмону замин ҳам кўтаролмайдиган оғир юкни одамлар қандай кўтариб юришибди экан...”

Жаноби ҳақ ҳаттоки бизларга инъом этмаган, аммо ўз бандаларига буюк неъмат қилиб берган ақл қани? Тафаккур, билим қани?.. Тангри уларга яна бир улуг мўъжиза бўлмиш меҳрни берганки, у ўн саккиз минг оламнинг жами жонзот, наботот ҳам жамототига улашилганда ҳам, бир томчиси ҳам камаймайдиган қилиб қалбларига солиб қўйган-ку. Нечун уни бир-бирларига беришдан, у билан бир-бирларини сийлашдан қизғанадилар. Ахир, яратилмиш барча нарсаларга, аввало, эгамнинг ўзига, қолаверса, бутун мавжудотга меҳр қўймаса, у кимсанинг ўзи ҳам ҳеч қачон Аллоҳдан мурувват ва

эхтиром, бошқа нарсалардан яхшилик кўрмайдилар-ку? Дейлик, бир дарахтни қуруқ ерга экиб қўйиб, унга киши меҳрини бериб, парвариш қилмаса, ундан инсонга ҳеч бир наф бўлмайди. Аксинча, уни юракдан чиқариб парваришласа, албатта у ниҳол меҳрга яраша одамзодга сахийлик билан уни, аввало, ўз шохи, барглари билан офтоб жазирамасидан ҳимоя қилади. Сўнг инсон учун зарур бўлган тоза ҳаво беради. Ундан кейин дармондори билан лиммо-лим мевалар инъом қилади. Яна уйларига устун бўлиб уларни ёмғир-қорлардан ҳимоя қилади. Тағин ўтин бўлиб қозонини қайнатади, кул бўлиб либосларини поклайди ва ниҳоят яна экинларга ўғит бўлади. Демак одамлар ўзларига бир меҳр берса, уларга лак-лак нафу манфаатлар қайтар экан. Наҳотки одамлар ақлини ишлатиб, шу оддий нарсани англаб ололмасалар. Улар замондан нолишиб “одамлар орасида меҳру-оқибат, ҳурмат-иззат қолмади”, деб ғийбат қилиб юрсалар. Ўзлари бу дунёни меҳр ўрнига қаҳрга тўлдириб юбояптилару, яна нолишларига нима дейсан? “Шайтон йўлдан адаштирди” деб бизларга тухмат қилишларига қандай чидаб бўлади. Мен бандаларни Аллоҳнинг муқаддас китобларида, жумладан, Қуръони Каримда огоҳлантирганман-ку, яъни “Қачон иш тугагач, яъни жаннат аҳли жаннатга сазовор бўлиб, дўзах аҳли, дўзахга ҳукм қилганда шундай деган эдим...

- Албатта Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса, ёлғон ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. Лекин, мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди. Илло, мен сизларни куфр йўлига чақиришим биланоқ, ўзларингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам беролмайман. Сизлар ҳам менга ёрдам берувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари Аллоҳга мени шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар, яъни кофирлар учун аламли азоб бордур”, деганим эсимда, - деди Саркор шайтон.

Шу пайт деворда унинг сўзларини тасдиқловчи, Қуръони каримдан “Иброҳим сураси йигирма иккинчи оят”, деган ёзув пайдо бўлди. Шайтон унга бир кўз ташлаб қўйди-да, сўзида давом этди. Шунга қарамай, бизларга тош отадилар. Лаънатлайдилар. Аммо у тошлар тили бошқа, дили бошқа мунофиқ бандаларнинг ўзларига қайтиб, уларни дўзахга ҳайдашга хизмат қилади. Нодон одамлар исломга сохта либос кийдириш ўрнига Қуръонни ўқиб, илм ўрганиб, уни мукаммал даражага етказиб, имонини камолот чўққисига олиб чиқиб, Аллоҳга таслим бўлиб, ўзлари тўғри йўлларини топиб олсалар бўлмайдими?

Тўғри, бўйнимга оламанки, дунёи аввалда, яъни одам дастлаб яратилган куни мен ҳам адашиб зоти ва баракотга, яъни азалий ва абадий хожамизга тик қараб ширк келтирганман. Ўшанда Тангри одамни яратиб, биз фаришталарга унга сажда қилишни амр қилди. Шунда барча фаришталар одамга сажда қилдилар, фақатгина мен унга сажда қилишдан бош тортдим. Шунда Аллоҳ менга “Эй иблис, сен нечун сажда қилувчилар билан бирга эмассан?”, деди. Мен “аслида қора балчиқдан бўлиб, одам сурати берилганч, қуриган лойдан сен яратган одамга сажда қилувчи эмасман”, дедим. Шунда Аллоҳ “бас, ундан, яъни жаннатдан чиқ. Энди сен менинг даргоҳимдан қувилган маълунсан”, деди. Шунда мен қаттиқ адашганимни, одобсизлик, калтафаҳмлик қилиб, Тангри амрига бўйсунмай, унинг ғазабига учраганимни тушиндим ва дарҳол тиз чўкиб, узр сўраб, унга ёлвориб “парвардигорим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган кунгача ўлмасдан яшаш учун муҳлат бергин, сен мени йўлдан оздирганинг каби уларни йўлдан оздираман. Магар, покиза бандаларингизга ҳақ йўлдан озмай қолурлар”, деб илтижо қилдим. Шу пайт яна деворда Қуръони Каримдан “Хижрат” сураси ўттиз икки, ўттиз учинчи оятлар” деган ёзув пайдо бўлди. Саркор шайтон яна девордаги ёзувга назар ташладию, сўзида давом этди. “Раҳми шавқати беадад жаноби ҳақ, илтижоларимни қабул қилиб менга то қиёматгача ўлмай, ер юзида одамлар орасида юриб уларни имон-иродаси ва Аллоҳга берган (мисоқ) ваъдасида, аҳдига содиқлиги борми-йўқми – синашга изн берди. Ҳазрати Жаброил Алайҳис Салом, Азроил Мункарнакир Молик жаноблари ва бошқа фаришталар зиммасига қандай вазифалар юклаган бўлса, менга ҳам одамларнинг ҳалиги айтганимдек эътиқод, имонларини синаш вазифаси юклатилди.

Деворда яна ёзувлар пайдо бўлди. Унда шундай дейилган эди: “Тангри одамни ернинг халифаси қилиб яратиб, унга шу пайтгача ҳеч бир зотга берилмаган ақл ва илмни берди. Энди улар ўзига содиқ эканликларини синаб кўриш учун улкан ақл ва заковатга эга бўлган ҳамда уларни йўлдан адаштиришга қудрати етадиган нарсаси керак бўлиб қолди. Шунда Тангри жами фаришталарнинг уламиси, устози бўлган Азозил фариштани йўлдан оздирди. Натижада юқоридаги фаришта Аллоҳга ширк келтириб унинг амрига қарши чиқди. Аллоҳнинг ғазоби келиб уни жаннатдан ерга туширди ва унинг илтимосига кўра, бандаларни синаш вазифасини унинг зиммасига юклади”.

Саркор шайтон бу ёзувга нигоҳ ташламай, ўз сўзида давом этди. “Менинг бошқа фаришталардан фарқим шунда эдики, мен лак-лак йиллик ҳаётимда бир маротаба тўғри йўлдан озиб, парвардигоримга осийлик қилдим. Ана шунинг учун ҳам у зоти ва баракот менга ўта оғир, бандаларни куфр ишларни қилишга даъват этиб, рўзимаҳшарда Аллоҳнинг ҳузуридаги имтиҳон олдида одамларни синовдан ўтказишдек оғир ва масъулиятли вазифани бажаришни зиммамага туширди.

Одамлар мени ҳар қандай ҳақорат қилсалар, лаънатласалар ҳам чидайман, мен ўша маломатларга лойиқман деб тан оламан. Чунки бунга ўзим айбдорман. Аллоҳимнинг ихтиёрига қарши чиқиб, жуда катта гуноҳ қилганман, мен вазифам нуқтаи назаридан одамларни ўнгдан чапга юришга, яъни хиёнат, қотиллик, зино, ўғирлик, порахўрлик, оқпадарлик ва бошқа худойимнинг ғазабига учрайдиган ишларни қилишга чорласам, қайрасам, гиж-гижласам ва ёлғон сўзлаб, ваъдалар билан уларни алдасам, менинг орқамдан эргашиб кетишаверадими? Ақллари ишлатиб, тўғри йўлдан боравермайдими? Имонларига собит туриб, эзгу амаллар, хайрли, савобли ишлар қилишиб, бемисл меҳр, шафқат, адолат ва баракот соҳиби бўлмиш тангри таоло ваъда қилган икки дунё саодатига эришмайдиларми? Аллоҳнинг жамолини кўришдек

шарафга сазовор бўлишни, жаннати фирдавснинг роҳат-фароғатларидан баҳраманд бўлишни хоҳламайдиларми? Эҳ... Нодон, ношукур бандалар-а...

Улар билармикинлар жаннатнинг, дўзахнинг ҳам ички-ташқи ҳовлилари борлигини. Ички ҳовлиси у дунёда, яъни охиратда бўлса, ташқи ҳовлиси мана шу ҳаётининг дунёнинг ўзидадур.

Яратганнинг розилиги учун ҳидоят йўлидан бориб, савобли амаллар қилганлар шу дунёнинг ўзидаёқ улуғ мартаба, ҳурмат ва эҳтиромларга эришиб, хушвақтликда яшайдилар ва дунёдан ўтгач эса, охиратда Аллоҳнинг марҳаматига эришиб, абадий офиятга сазовор бўладилар. Аммо Тангрининг хоҳишу ҳукмларига қарши ишлар қилиб, қазосига қадар тавба қилмай, тўғри йўлга тушмаганлар, шак-шубҳасиз, шу дунёнинг ўзидаёқ Аллоҳнинг ғазабига учраб, жазосини ола бошлайдилар ва нариги дунёда абадий азоб-уқубатларга дучор бўладилар. Шу пайт яна девор ёришиб, унда Қуръони Карим азми шаъндан сажда сураси йигирма биринчи оят – “Биз уларга улуғ азобдан илгари яқин, яъни дунё азобини ҳам торттируرمىз”, деган ёзув пайдо бўлди. Саркор шайтон бир оз жим туриб сўзида давом этди.

“Ахир мен ҳам бу дунёда яшаётган барча инсонлар йўлдан оғиб, куфр ишларга берилиб, Аллоҳни, имонни, виждонни, шарму-ҳаё, меҳр-оқибат ва инсоф, адолатни батамом эсдан чиқариб юборишларини асло хоҳламайман. Чунки менга хожам томонидан яшаш учун умр қиёматгача берилган холос. Агарда бу дунёда мен юқорида айтганимдек одамларнинг барчаси залолатга, жаҳолатга ва ёвузликка берилиб, эзгуликни ёдидан чиқариб ташласалар унда қиёмат қойим бўлиши яқинлашиб, бу дунё Аллоҳ белгилаган вақтга етмаёқ вайрон бўлиши аниқ. Бу даҳшатли ва фалокатли куннинг яқинлашишидан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Акс ҳолда, менинг ҳам умримнинг тугаши, ўлимим тезлашади-ку. Ўлим соати яқинлашишидан жуда кўрқаман. Чунки, хожамнинг олдида улкан гуноҳқорман. Ғазаби жўш уриб, мени жаҳаннамга ҳукм қилиб юборади” деган хавфим бор. Шунинг учун мен ўзимга юклатилган куфр вазифамни бажариб туриб, ичимда “Одамлар тўғри йўлдан адашиб кетмасайди, менинг ёлгон алдовларимга ишониб ширк ишларни қилмасайди”, деб ният қилиб тураман. Улар охири дўзахга олиб боровчи йўлга тушиб қолишини, Қиёматни тезлаштиришларини мутлақо хоҳламайман. Синов, имтиҳонда мен уларни эмас, улар мени енгишларини ва таслим қилишларини истайман. Ўшанда мен хожамнинг ҳузурида тиз чўкиб, у даргоҳи кенг, меҳрибон ҳамда мағфиратли зотдан қилган гуноҳимга узр сўраб, кечирешини яна илтижо қиламан. Чунки у одамларнинг азалий ва абадий эгасининг “Имон келтирган, яхши амаллар қилган бандаларимнинг аввалги ёмонликларини, гуноҳларини шак-шубҳасиз кечирурман”, деган ваъдаси бор. Шунда яна девор ёришиб унда “Анкабут сураси еттинчи оят”, деган ёзув пайдо бўлди. Саркор шайтон сўзидан тўхтаб югурганича девор олдида бориб, ундаги ёзувни кўзларига суртиб тавоф қилди ва кўзларидан чак-чак ёшлари оқиб, ҳўнграб йиғлади. У бир он жим тургач, яна сўзлай бошлади. “Эй нодон ношукур осий одамлар! Аллоҳ буюрмаган, у зотни норозилигига сабаб бўлувчи гуноҳ ишларни қилишдан қайтинглар. Бу дунёнинг вақтинчалик жилвакор роҳатини деб, охиратнинг абадий саодатли фароғатидан воз кечманглар. Бегуноҳ одамларни ўлдириб, қотиллик қилишни, ўғирлик, порахўрликни, ота-онага оқ падар бўлишни, судхўрликни ва Аллоҳ ҳукмларига ширк келтиришни ҳамда Тангри буюрмаган ҳар хил иллатли гуруҳларга бўлинишни бас қилинглар. Ўйланг, фикр қилинг, бу ишларнинг охири фожиа билан тугайди-ку, ахир сизларни ва дунёни ҳалокатга олиб боради-ку. Унинг ўрнига бир-бирларимизга садоқатли ва вафодор бўлинглар. Бу борада мана бу паррандадан ибрат олсаларингиз бўлмайдими?” деди-да, Саркор шайтон тахтнинг чап томонидаги деворга саяғлиқ турган курси устидаги шийтанчироққа қараб, “кўрсат” деб буйруқ берди. Шу пайт шийтанчироқ ёниб, деворда манзара пайдо бўлди. Унда бир тоғнинг қоясида улкан бир бургут тошлар устида ўлиб ётган модасининг тепасида иккала кўзларидан ёшлар қуйилиб йиғлаётган эди. У бир қанча вақт бош эгиб, йиғлаб, модасининг бошларини, бўйинларини тумшуги билан силади ва бирданига кўкка баланд кўтарилиб, ўзини жарликка отди. Чироқ ўчиб манзара кўринмай қолди. Саркор шайтон ўз сўзида давом этиб яна одамларга мурожаат қилди.

“Бу дунёнинг ёвузликлари гапига кириб, бир-бирларингизни ноҳақ ўлдириб, даҳшатли урушларни қўзғаш ўрнига барчаларингиз бирлашиб, ўша жаҳолатга қарши курашиб, бир-бирларингизга вафодор бўлсаларингиз бўлмайдими. Бунда мана шу ҳайвондан сабоқ олинг”, деб Саркор шайтон яна шийтанчироққа амр қилди. Чироқ ёниб даворда қуйидаги манзара пайдо бўлди. Бир отлиқ одамнинг ортидан улкан қора бўри қувиб келарди. Атроф далалик, ҳеч кимса кўринмайди, у одам кўрққанидан дод, фарёд кўтариб отига аёвсиз қамчи урар, от ҳам даҳшатга келиб, оғзидан кўпиклар сачраб чопарди ва кўрқинчли овозлар чиқариб, кишнардди. Одам яна ҳам баландроқ бақириб, ёрдамга чақирар, бўрибосар, бўрибосар деб қичқирар, унинг ортидан қувиб келаётган бўри эса унга тобора яқинлашиб келарди. Шу пайт узоқдан бир кўрғон кўринди. Кўрғон ичида басавлат олапар ит шиддат билан югуриб келиб, бўрига ташланди. Икки ўртада олишув бошланиб, бўри итнинг олдинги оёғидан тишлаб ерга йиқитди. Шунда бўрининг томоғидан маҳкам тишлаб, уни қўйиб юбормади, бўри бир илож қилиб итнинг қорнини ёриб юборди. Ит эса жон ҳолатда бўрининг бўғзига тиш ботирди. Бўри итни ўз томоғидан ажратолмай анча ергача судраб бордию у ҳам ҳолсизланиб ерга йиқилди. Ит ўз егасини ўлимдан сақлаб қолиш учун унга жонини фидо қилди. Шийтанчироқ ўчди. Саркор шайтон яна сўзида давом этди. “Эй одамлар, Аллоҳ таоло сизларга бир-бирларингизга ёрдам қилиб, суяниб яшашга буюрган. Аммо аксарият одамлар бу адолатли мақсадга итоат қилмай, бир-бирларини оёқларидан чалиб, тағларига сув қуйиб, туртиб ва итариб яшамокдалар. Бу борада инсонлар мана бу дарахтлардан ўртак олсалар бўларди”, деб Саркор шайтон яна шийтанчироққа буйруқ берди. Деворда қайрилиб, эгилиб келаётган шохларини ёнидаги дарахт шохларини елкаларига қўйиб, унга суяниб, барқ уриб яшаётган, яна бир ёқда эса бир гулзорда сон-саноксиз гул

новдалари бир-бирларига суяниб ўсаётгани намоён бўлди. Саркор шайтон ўз сўзида давом этиб, “юқоридаги парранда ўз жуфтига шунчалик садоқат кўрсатяпти, ит эса ўз эгасига вафодорлик қияпти. Дарахтлар, гуллар эса бир-бирларига суяниб яшаяптилар. Бу билан улар Яратганнинг розилигига эришмоқдалар. Уларнинг бу эзгуликларининг барчаси исломда, шариатда аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган-ку? Қани Аллоҳга итоат, қани ислом шариатларига эътиқод? Бу буюк туйғулар одамлар орасида тобора сусайиб, йўқолиб бормоқда” деди.

Шу онда яна девор ёришиб, Аҳмад Донишнинг нодир воқеалар асаридаги “Одамлар орасида, исломдан азон билан салла қолди, холос”, деган сўзлари пайдо бўлди. Саркор шайтон сўзлашдан таққа тўхтаб, унга тикилиб қолди ва кўзлари косасидан чиққудек олайди. Афт-башараси буришди. Аъзойи баданидаги туклар тик бўлиб, юзининг олов ранг оқарди ва бирданига даҳшатли фарёд кўтариб “Йўқ! Бу асло мумкин эмас, унда қиёмат яқин келиб, менинг ҳам умрим тугайди-ку. Ўлишни истамайман. Дўзахда абадий азоб чекишни хоҳламайман”, деб жазавага тушиб хонада гир-гир айлана бошлади.

Бир вақт у менинг олдимга келиб, юзимга қаттиқ тикилиб қолди ва “Ҳа-а, аблаҳ одам, сен ҳам шу ердамидинг. Сенлар мени ўлдирмоқчимисан? Менинг сийратим ва суратимни эмас, ёлгон сўзларимни, ваъдаларимни ўлдир. Агарда шундай қилмасанг, сен ҳам мен ҳам то абад жаҳаннамда ёнамиз. Сенинг ниятинг ёмон. Йўлинг хатарли бўлиб қоляпти. Бу йўллардан қайт! Акс ҳолда мен сени ўлдираман”, деб даҳшат билан Саркор шайтон устимга бостириб кела бошлади. Мен кўрқувдан бутун жисмим музлаб, дағ-дағ титрай бошладим ва ёнгинамда турган эшикдан қочиб чиқиб кетмоқчи бўлдим. Аммо оёқ-қўлларим ерга қозиқдек маҳкамланиб қолган каби қимир этмас, дод деб бақирай десам, овозим чиқмас эди. Бир вақт қаттиқ турткидан уйғониб кетдим, нафас олишим қийинлашиб, юрагим халқумимга тикилиб қолган эди. Ўзимга келганимда эндигина ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига кириш учун имтиҳонларга тайёргарлик кўраётган, кечалари ҳам китобдан бошини кўтармаётган укам Саъдуллоҳ тепамда турар эди. “Ака, сизга нима бўлди? Босинқираб қолибсиз шекилли, туринг ўрнингиздан, устингиз очилиб қолиб, совқотиб ҳам кетибсиз”, деди. Мен юрагимнинг гупури босилиб, кўрқув нари кетиши учун жойимда пича ўтирдим. Бу алаҳсираш туш эканлигини ҳис этгач, аста юриб ҳовлига чиқдим. Муздек тоза ҳаво жисмимга малҳам пуркаб, тетиклаштирди. Таҳорат олиб, жойимга қайтиб кирдим ва Қуръони Каримнинг “Таборақ мулк” сурасидан ўқиб, тиловат қилдим ҳамда яратган буюк Тангридан элу юртимизда тинчлик, осойишталик бардавом бўлишини, ҳар бир оилага бундан-да зиёда файзу-баракот ато этишини, дунёдаги барча инсонларни ҳидоят йўлидан адаштирмай, ўзига итоатли бўлиб, эзгу амаллар қилишда Ўзи мададкор бўлишини ва ҳар биримиздан раҳм-шафқатини аямасдан, даргоҳидаги меҳру садоқат ҳамда мурувватлари ила баҳраманд қилиб туришини, шу билан бирга, ўзининг розилиги билан иккала дунё саодатига эришишимизда ақл, фаросат ва эътиқоду имонимизни комилликга етказишини тилаб, дуо қилдим.

Омин, Аллоҳу Акбар!...

Андижон. 2009 – 2010, 10-ой, 7-кун, пайшанба, пешин арафасида якунладим.

Мусаҳҳиҳ: Орифжон ЖЎРАЕВ